

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

10/2008

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ
10/2008

Ахборот бюллетени

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

78.342

К 96

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи Ҳ.Маматраимова
Муҳаррир О.Қиличбоев
Матн терувчи З.Жалилова

Кутубхоначилик дунёси: Ахборот бюллетени
10/2008 / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-
наси; Тузувчи Ҳ.Маматраимова; Муҳаррир
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси нашриёти, 2008.- 48 б.

КБК 78.342+78.3

Ахборот бюллетенининг ушбу сони ҳам кутубхоналар, АКМ ва АРМ фаолиятининг етакчи йўналиши бўлган ўлкашунослик ишини ташкил этишда уларга ёрдам бериш мақсадида тузилди. Унда ушбу муҳим йўналишда Россия ва Қозоғистон кутубхоналари томонидан олиб борилаётган ўрнатилган олса арзигулик ишлар ёритилган мақолалар ўзбек тилига ўгириб берилди. Бу мақолалар республикамиздаги ўлкашунослик фаолиятининг марказлари бўлган АКМ ва АРМлар ходимлари учун тажриба алмашлаш материаллари бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й.**

**Птушкина И. Корни вечногo древа //Библиотека.-2006.-
№12.-С.18-22.**

Ўтмишнинг мангу илдизлари.

Кўп жойларда кутубхоналар фаолиятида ўлкашунослик йўналиши якка-ташаббускорларнинг иши бўлмай, балки расмий равишда қўлланилаётган, хурмат ва эътиборга молик бўлиб бормокда. Бунда ўлкашуносликни жонлантириш, қизиқарли қилиш ўлкага муҳаббат, унинг тарихини билиш жамиятнинг маънавий ўсишини таъминлашга асос бўлади.

Киров шаҳар “Кутубхона” маҳаллий муассасасининг болалар билан ишлаш бўйича бош директор муовини Ирина Птушкина А.С.Пушкин номидаги Шаҳар марказий кутубхонаси томонидан ўтказилган ўлкашунослик мавзуларидаги адабий-ижодий танловлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида ёзади.

Машхур рус олими олим-китобсевар Д.С.Лихачевнинг “Маданият худди ўсимлик кабидир: унинг шоҳларигина эмас, томирлари ҳам бор. Айнан томиридан ўсиши ўта муҳимдир” деган сўзларидан кутубхонанинг ўлкашунослик ишидаги муваффақият калити кўринади.

Ижтимоий умумий меросга чуқур шахсий муносабат китобхонларни ўлкашунослик ишига фаол жалб қилиш йўли билан шакллантирилади.

А.С.Пушкин номидаги Марказий шаҳар кутубхонаси (МШК) томонидан ўлкашунослик мавзусида шаҳар болалар адабий-ижодиёт танловларининг ўтказилиши жонажон ўлка тарихи ва маданий анъаналари, маънавий бойликларини тушуниб етиш бўйича ёшлар қизиқишини кучайтиришнинг омили бўлди.

Бу тадбирларнинг мақсади: болалар ва ўсмирларни маърифатли қилиш, ўз оиласи, қариндошлари, авлоди тарихига қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш, болалар ва ўсмирлар адабий-бадий ижодини кучайтиришдир.

Танловни ташкил қилиш бир неча босқичда ўтади:

- ғояни белгилаш, танловни номлаш, номинацияларни белгилаш;

- таъсисчиларни қидириб топиш;
- танлов низомини расмийлаштириш;
- танланган мавзу бўйича кутубхона фаолиятининг дастурини тайёрлаш;
- реклама таъминоти (эълонлар, барча таълим муассасаларига танлов тўғрисида низомни юбориш, ОАВда хабарлар босиш);
- дастур доирасидаги тадбирлар;
- фандрайзинг компанияси (ишлари);
- танлов якунланадиган жойда байрам ўтказиш (қатнашувчилар ва ғолибларга дипломлар, ташаккурнома хатлар, совғаларни топшириш);
- таъсисчиларни танлов якуни тўғрисида хабардор қилиш. Болалар аудиториясини фаоллаштирган ўқитувчиларга ташаккурнома хатлари топшириш. Мактабларга иштирокчи болалар рўйхати билан табрикномалар йўллаш;
- танлов материалларини (агарда маблағ бўлса) чиқариш.

Шундай танловларнинг бир нечтаси ўтказилган.

“Вятка юрти, қадимги осори атиқалар тўғрисида” танловида тўрт номинация эълон қилиниб, улардан учтаси болалар учун эди.

“Оилавий альбомлардаги сурат нима тўғрисида сўзлаб беради?” номли оилавий суратлар тарихи ҳақида адабий-ижодий иш.

“Илк болаликнинг излари қаерда?” катта авлод кишиларининг болалиги тўғрисида хотираларга асосланган иншолар.

“Бу ўхшаш ва ўхшамас тақдирлар” Вятка шоирлари П.В. Дьякопов ва Н.А.Заболоцкий таржимаи ҳоли ва ижоди бўйича викторина.

“Ўлкашунослик миниатюралари” номинацияси театрлаштирилган тадбир эса болалар ўқиши раҳбарлари учун эди.

Болалар ижодини қўллаш учун “Вятка болалиги” ўлкашунослик соати ташкил этилди, унда болаларнинг ўлканинг Ю.А.Васнецов, Е.А.Чарушин, П.В.Дьяконов, Н.А.Заболоцкий,

К.Э.Циолковский, Т.А.Копанева, Е.А.Мильчаков каби машхур шахслари ҳақидаги таассуротлари кузатилди.

“Ўлкашунослик минитаюраси” номинациясига 4 иш тақдим этилди, уларнинг иккитаси байрамда кўрсатилди: Болалар китоб ҳафталигининг 60 йиллигига бағишланган, танлов якуни бўлган “Вятка томонлари ва қадимий осори атиқалар ҳақида” байрами болаларнинг кувноқ овозалари билан бошланди.

Байрамда ҳамюртларнинг китоблари асосий ўринда бўлди.

Байрамнинг энг тантанали лаҳзаси адабий-бадиий танлов ғолибларини тақдирлаш бўлди. Унда болалар оилавий суратлар тарихи, ўз ота-оналари, буvasи ва бувиларининг болалиги ҳақида таъсирли ҳикоя қилиб бердилар. Оилавий анъаналар ва ривоятларнинг ёш солномачилари машхур Вятка ёзувчиси Владимир Игоревич Морозов қўлидан совғалар олдилар.

Қадимий китоблар, ўйинчоқлар ва ўтган аср болалиги буюмларидан ташкил этилган “Кичкина оилавий музей” кўргазмаси байрам беаги бўлди.

2004 йилда шаҳримиз 630 ёшга тўлганда кутубхона ўлкамизнинг ажойиб спорт тарихига мурожаат қилиб, “Вятка спорти” адабий-ижодий танлов эълон қилди. Ташаббусни “Вятка спорти” газетаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси қўллади.

Бу танлов бир неча номинация бўйича ўтказилди:

- “чемпион портрети”: машхур спортчи билан интервью;
- “Вятка олимпиячилари”: олимпия ғолиблари – ҳамюртлар ҳақида ҳикоя;
- “Оиламизнинг спорт тарихи” ёки “Менинг спорт тарихим”: оиланинг спортдаги анъаналари, спорт билан машғулликлари ҳақида ҳикоя;
- “Саҳифаларни варақла”: Вяткада спорт тарихи бўйича викторина.

Февралдан майгача иштирокчилар топшириқларни бажариш устида ишладилар.

Бу ишни енгиллаштириш ва фаоллаштириш учун кутубхона танлов иштирокчилари билан бир неча қизиқарли тадбирлар ўтказди: “Вятка спорти” кўргазмаси; “Мен ўрмоннинг туманли

четига шошаман” фотокўргазмаси; “Конькида учиш” спорти бўйича халқаро туркумдаги спортчи Андрей Боборов билан юқори синф ўқувчиларининг учрашуви.

Кутубхонага қатновчиларга спорт билан шуғулланиш организмни чиниқтиришдан ташқари, яна инсонга кўп фойдали ва янги дўстлар ва мулоқот қувончини беришини кўрсатди.

Кутубхоначилар “Трамплин” болалар журнали материаллари бўйича “Кучли, соғлом бўл!” рисоласини тайёрладилар, унинг нусхаларини “Вятка кўпкураши” спорт байрами ғолибларига совға қилдилар. Бу танловда шаҳардаги икки мактабнинг 7-синф ўқувчилари қатнашдилар.

Томошабинлар учун эса “Сирли спорт” танлови ўтказилди. Спортчиларнинг ўзлари шуғулланадиган спортлари ҳақидаги ҳикояларидан томошабинлар спорт турини топишлари керак эди.

Ўтказилган тадбирда норасмий ва қувончли шакллар бирлашиб, жонажон ўлка анъаналарини ўрганишга қизиқиш ва спортга муҳаббатни шакллантирди.

Бу йиғилган тажриба янги ўлкашунослик лойиҳаларини амалга оширишда асқотади.

Шаврова Г. Престиж и партнерство – вещи закономерные и необходимые //Библиотека.-2006.-№12.-С.23-25.

Нуфуз ва шериклик – қонунга мувофиқ ва зарур ишлардир.

Россиянинг Иркутск вилояти, Нижнеудинск шаҳар Марказий кутубхонасининг бош библиографи Галина Шаврова МШКнинг босиб ўтган тарихий йўли, кутубхона фаолиятининг етакчи йўналиши ўлкашунослик ишлари тажрибаларини баён қилади.

МШК 1913 йилда маҳаллий ишбошилар жамияти шаҳарликларга совға қилган рус ва чет эл мумтоз адабиётлари ва фаннинг турли соҳаларига оид 390 томдан иборат жамғармалари асосида ташкил этилган.

1914 йилда қироатхонага 1924 нафар китобхон қатнаган. Бу ерда халқ ўқишлари, маърузалар, чиқишлар қилинган. Камида 47 киши, кўп ҳолда 250 нафар китобхон қатнашар эди. 1920-1921 йилларда халқ кутубхонаси учун шаҳарда китоб йиғиш ўтказилди ва бу йиғилган китоблар ҳозирги шаҳар кутубхонаси фондига асос бўлган.

Кўпгина яхши анъаналар – ҳайр-саховат, тadbирларимизнинг оммавийлиги ва муассасамизнинг халқчиллиги – унинг ҳозирги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда, дейди Г.Шаврова.

Албатта, 1990 йиллардаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол соҳамизга ҳам таъсир этмай қолмади. Шу даврда маблағ кескин қисқарди. Фондни тўлдириш деярли тўхтади. Янги адабиётларнинг йўқлигига қарамай, китобхонлар сони орта борди. Маданият муассасалари кейинги ҳаёт учун мавжудлик манбаларини излаб топишга мажбур бўлдилар.

Пуллик тўғарақлар, бирлашмалар тизими пайдо бўлди.

Шунда кутубхона танловлар, викториналар, адабий-муслиқий кечалар ташкил этиб, дам олиш маркази бўлиш вазифасини ўз зиммасига олди.

Бу ишда ўлкадаги бой маданий қатламлардан фойдаланилади. Ўлкашуносликни кутубхоначилик иши мазмунини, хусусан, ёш китобхонларни ватанпарварлик тарбиясини бойитиш учун катта ресурс, деб ҳисоблаймиз.

Сергей Сартаков ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тadbирларни ўтказиш яхши анъанага айланган. “Сартаков. Вақт. Биз” дастури доирасида Сартаков ўқишлари ўтказилади. Уни ўтказишга шаҳарнинг барча кутубхоналари, ижодий ташкилотлар, ўқув юртлари ўқувчилари жалб қилинади. Сергей Сартаковнинг туғилган кунда кутубхона анъанавий адабий кечани ўтказади. Қатнашчиларни викторина, ёзувчи ижодини билиш танлови, “Сартаков авлоди ва ўтмишдошлари” тарихий-адабий суҳбат кутади.

Ўлкашунослик ишларининг муҳим йўналишларидан бири илмий-тадқиқот фаолиятидир. Кутубхона ходимлари ўлкашунослик музейи ва маҳаллий архив билан муваффақиятли ҳамкорлик қилади.

Нижнеудинск маданияти тарихи бўйича, фуқаролар уруши воқеалари ҳақидаги қимматли материаллар билан фонднинг тўлдирилиши ҳамкорлик ишининг натижаси бўлди. Бундай ўлкашунослик изланиш – ўлканинг маънавий тикланишига тўғри йўлдир.

Кутубхоначилар иқтидорли ҳамюртларнинг ижодини фаол аниқлайдилар ва тарғиб қиладилар. Муассасамизнинг кўп ёқлама фаолиятида маҳаллий усталарнинг кўрғазмалари қизиқарли ва зарур саҳифа бўлиб қолган. МШК ўқув залида мусаввир Сергей Русин асарлари мунтазам намойиш этилади. Мария Онучкованинг “Кошинкор курама” асарлари, В.Антипенконинг қайин пўстлоғидан ноёб ишлари кўп тадбирларни безайди. Маҳаллий шоирлар – А.Хоменко, В.Макаров ва И.Мальцевлар – 1988 йилдан буён хизмат кўрсатиш бўлими мудир Светлана Павловна Худогова раҳбарлигида мавжуд бўлган Адабий меҳмонхонамизнинг доимо кутилган меҳмонларидир.

Нижнеудинск шаҳри Марказий шаҳар кутубхонаси жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминланиш даражасини ошириш жараёнига фаол қўшилган. Маҳаллий ўз-ўзини бошқарувнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва маҳаллий ҳамжамиятнинг фаолиятига ёрдам беришда, ёшлар доирасида ҳуқуқий муҳитни қарор топтиришда кутубхонанинг роли ортмоқда.

Олиб борилган меҳнатлар кўзга кўринди. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кутубхонага норасмий қизиқиш пайдо бўлди, улар кутубхонага фондни тўлдириш, янги адабиётлар сотиб олиш, тадбирлар ва ўлкашунослик танловларига, обунага маблағ ажратиб бермоқдалар.

Маҳаллий ўлкашунослар диққат билан ўрганаётган аъёналарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам бермоқда.

Аникина Г. “И новые дали себе открывать...”
//Библиотека.-2006.-№12.-С.38-41.

Янгиликлар ўзини аниқлаш имконини берди...

Красногорск ўлкаси Ачинск шаҳри Шаҳар марказлашган кутубхона тизими бўлим мудир Таисия Аникина бу кутубхонанинг 120 йиллик тарихи ва ранг-баранг фаолияти ҳақида сўзлайди.

1887 йил 22 мартда Ачинскда жамоатчилик кутубхонаси очишга рухсат берилди. Бундай кутубхона очишни шаҳар ўқитувчиси Д.С.Каргаполов таклиф этиб ариза ёзган эди ва бу ташаббус шаҳар марказида маданият маркази – кутубхона ташкил этилишига сабаб бўлди. Унга ўша даврда машҳур бўлган И.Сибиряков ва унинг оила аъзолари маълум миқдорда маблағ ажратдилар. Шаҳар ғазнасидан ҳар йили 200 сўм ажратиладиган бўлди. Ачинсклик савдогар Г.Максимов ҳам 100 сўм эҳсон қилди.

25 йил давомида жамоатчилик кутубхонаси қошидаги ўқиш кабинетига 55 минг киши қатнаган. Шаҳар аҳолисининг 98 фоизи кутубхона обуначилари бўлган.

120 йиллик юбилейи йилида кутубхона фонди 72623 нусхани ташкил этади. МКТ ҳозирда катта техникага (МКТ кутубхоналарида -17 компьютер, улардан 7 таси Марказий шаҳар кутубхонасида) эга бўлган, уларни кутубхоначилик ишида фаол қўллаётган маскандир.

Фойдаланувчиларга қуйидаги электрон ресурслар: “АГЦБС” ҳужжатлар фондига электрон каталог; мақолаларнинг электрон картотекаси; “Консультант Плюс”, “Гарант-Максимум” маълумот-ҳуқуқ тизими; Красногорск ўлкаси ўқув юртларининг “Абитуриент” маълумотлар базаси; “Деярли ҳаммаси Таймир ҳақида” мультимедиа нашри; “Атрофимиздаги олам”, “Москвашунослик” ва бошқа энциклопедиялар тақдим этилган.

2005 йилдан 2006 йилгача “Ачинск: йиллар, воқеалар, одамлар” суратли муҳим ва унутилмас саналар календарини чиқаришни лойиҳалаштирди. 2006 йил 14 февралда унинг биринчи чиқишининг тақдими бўлди. “Ачинск шаҳри ҳақидаги адабиётлар” кварталлик библиографик кўрсаткичи чиқарилмоқда. “Вақтли нашрларнинг йиғма каталоги” йилига 2 марта чиқади.

2004 йилда МШК “Шаҳар кўчалари уларнинг номлари билан аталган” номли расмий ўлкашунослик йўл кўрсаткичини чиқарди, унда Ачинскни машҳур қилган шаҳарлик фуқаролар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ёзувчилар ҳақида бой материал йиғилган.

Миллатлараро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш кутубхонанинг муҳим вазифаларидан бўлиб, бунинг учун 2001 йилдан МШКда миллий ўлкашунослик бўлими ишламоқда.

МШК ижтимоий аҳамияга эга бўлган ходимлардан четда қолмайди. 2005 йилда минтақадагина эмас, балки бутун мамлакатда муҳим воқеа – Красноярск ўлкаси, Таймир ва Эвенкияни қайтадан қўшиш бўйича референдум бўлди. МШК ҳам қатор ишларни бажарди: “Уч ўлка биттада: бўлиш ё бўлмаслик” мулоҳаза соати; “Бирлаштирилган ўлкада яшаш ёки алоҳида” савол-жавоб лекторийси; “Сени куйлайман, жонажон ўлка” ўлкашунослик соати ва бошқа мунозараларни ўтказди. Бу тадбирларни талаб даражасида ўтказишда жипслашган жамоанинг роли катта.

Мифтахова О. Хранители духовного наследия
//Библиотека.-2007.-№5.-С.25-27.

Маънавий меросни асровчилар.

Коми Республикаси Сивтивкар шаҳридаги республика Миллий кутубхонасининг 1270 йиллиги муносабати билан кутубхона директори Ольга Мифтахова кутубхонанинг тарихий босиб ўтган йўллари, олиб борган ишлари, тажрибалари ҳақидаги маълумотларни журналхонлар, мутахассислар эътиборига ҳавола қилади.

Маҳаллий зиёлилар ташаббуси билан Уст-Сисальскда 1837 йилда очилган биринчи оммавий кутубхона ҳозирда Миллий кутубхона бўлиб, йирик китоб сақлаш жойи ҳисобланади. Ўз фондида 2,4 млн. бирликни бирлаштирган кутубхона 1260 номдаги журнал ва газеталарга обуна бўлади, 32 мингдан ортиқ

китобхонга хизмат кўрсатиб, ҳар йили уларга 900 минг ҳужжатларни беради.

Китоблар, кўлёмалар, вақтли нашрлар, компакт-дисклар, грампластинкалар, электрон нашрларни ўзида жамлаган универсал фонди ҳозирги китобхоннинг ҳар қандай сўроғини бажариш имконини беради.

Миллий кутубхона республикада авторлик гувоҳномалари ва патентлар тасвирини сақловчи ягона сақлаш жойидир. Бу ерда республикада энг катта (1,5 млн. бирлик) илмий-техникавий ҳужжатларнинг махсус турлари фонди жойлашган.

5000 дан ортиқ нодир ва қимматбаҳо нашрлар кутубхонанинг фахридир. 42 минг ўлкашунослик нашрлар ва миллий адабиётлар ҳам ноёбдир ва улар эҳтиёткорлик билан сақланади.

Миллий кутубхона 1958 йилдан республика китоб палатаси функциясини бажаради, бунда номи халқ миллий матбуоти меросини ва ўлкашунослик хусусиятидаги материалларни йиғиш, рўйхатга олиш ва сақлаш ишлари олиб борилади. Ҳозирда бу ерда 16 минг дан ортиқ бирлик сақланади, “Коми Республикаси китоб палатаси” электрон каталоги яратилган. Янги олинган ҳужжатлар ҳақидаги ахборот “Коми Республикаси матбуоти солномаси” ва “Коми Республикаси ҳақида адабиётлар” йиллик кўрсаткичларида бериб борилади.

1994 йилдан “Коми Республикаси китоб ёдгорликлари тўплами” электрон ресурси, нодир ўлкашунослик нашрларининг тўлиқ матнли электрон кутубхонаси яратилмоқда.

Миллий кутубхона яна илмий-ёрдамчи библиография тизимини яратиш билан ҳам шуғулланмоқда. “Коми Республикаси табиати ва уни асраш”, “Коми Республикасида қатағонлик сиёсати”, “Коми тили тадқиқотчилари – чет эл олимлари” ва бошқа кўрсаткичлар бу илмий-тадқиқотнинг натижасидир.

2007 йил мартада “Коми тили тадқиқотчилари – чет эл олимлари” кўрсаткичининг тақдимоти бўлди.

Турли танловлар: китобхонлар учун ўлкашунослик бўйича “Шимол дурдонаси” танлови; кутубхона ходимлари учун “Барча ўқийди!” танлови низомлари ишлаб чиқилди.

170 йиллик юбилей муносабати билан ўтказиладиган тантаналар ҳам ранг-барангдир, унинг муваффақиятли ўтиши учун кутубхона ходимлари астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Козиенко Т. Что имеем – сохраним!: Краеведческий аспект в информационной работе муниципальной библиотеки //Библиотечное дело.-2005.-№ 8(32).-С.29-32.

Борини – асраймиз.

Свердловск вилоятидаги Нижний Тагил шаҳар кутубхонаси ходимлари ўлкашуносликни нафақат ўз ўлкаси ва унинг одамлари ҳақидаги материалларни йиғиш ва системалаштириш, балки яна китобхонларни минтақа ҳаётининг барча томонлари бўйича ахборот таъминотининг бутун бир тизими деб қарайдилар, деб ёзади Нижний Тагил Шаҳар Марказий кутубхонаси ахборот бўлимининг бошлиғи Т.М.Козиенко.

Кутубхона ўлкашунослиги мавжуд ҳужжатлар ва фойдаланувчилар гуруҳлари, шунингдек китобхонларга хизмат кўрсатиш билан турли томонлама (фондли, библиографик ва бошқа) ишларни ўз ичига олади. Ўлкашунослик ахборотини етказиб бериш, ўлкани мустақил ўрганиш ва у ҳақида янги маълумотларни қидириб топиш; янги ҳужжатларни яратиш; ҳомийларни топиш; ноширлик фаолияти ҳам ўлкашунослик фаолияти доирасига киради.

Кутубхоналар “минтақа хотираси”ни сақловчи ноёб муассасалардир.

Кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти ҳамиша фондни тўлдириш, ишлов бериш, методик, справка-ахборот, ноширлик соҳалари масалалари бўйича бўлинмалар билан технологик боғланганлиги, буларнинг барчаси кутубхона ичида бўлинмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни талаб қилиш сабабли ташкил этиш ва бошқаришнинг қийин объекти бўлган.

Свердловск вилояти Нижний Тагил шаҳри кутубхоналари ўлкашунослик мазмунидаги ҳужжатларни йиғиш, сақлаш ва фойдаланиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга ва улар тўғрисида катта ҳажмдаги ахборотни йиғдилар.

Бошқарув органларининг қонунчилик ва бошқарув функцияси билан боғлиқ сўроқлар сони ортиб бораётганлигидан кутубхоналарнинг аҳолини ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларини ахборот билан таъминлаш тизими маркази сифатидаги иш доимо такомиллаштириб борилади.

Шаҳар маъмурияти чиқарган меъёрий расмий ҳужжатлар, фармойишлар ва бошқа ҳужжатлар аҳолини ахборот билан таъминлашга мўлжалланган маълумотлар массивининг асосини ташкил қилади.

Кутубхона ходимлари ахборот манбалари доирасини кенгайтиришга, шаҳарни ривожлантириш учун ахборот майдонини яратиш, шунингдек шаҳарнинг ижтимоий, жамоатчилик, иқтисодий, илмий ва маданий соҳада фаолиятидаги кундалик ўзгаришлар тўғрисида маълумотлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўлкашунослик ахборот тизими чекланганлиги сабабли матбуотда чиқаётган мақолалар – тўпламларнинг бўлинмалари ва боблари, газета ва журналлар мақолалари, тезкор, ахборот ва бошқаларга аналитик ишлов бериш катта аҳамият касб этмоқда.

Муниципал маданият муассасаси – Марказий шаҳар кутубхонаси (МММ МШК) ўзида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ахборот-ресурс марказини ташкил қилишни мақсад қилган.

Ўлкашунослик бўйича маълумотлар базасини тўлдиришнинг асосий манбаи шаҳар ва ўлка ҳақидаги китоблар, маҳаллий вақтли нашрлардир. Кутубхона саноат, савдо, ижтимоий соҳа, маданият ва ҳ.к. га тааллуқли аналитик материалларни йиғади. Тагил экологияси бўйича тезкор-ахборотни яратиш устида ишлаб, кутубхона ходимлари шаҳар атмосферасига ташланган нарсалар бўйича охириги статистик маълумотларни топа олмадилар.

Зарур материал топилгунча кўпгина босқичларни ўтишга тўғри келди. Бундай ахборотни мунтазам ўрганиш МШК

фойдаланувчиларининг талабларини ўз вақтида ва сифатли қондириш имконини берар эди.

Ўлкашунослик ахборотига эга бўлган архивлар, музейлар, ЗАГСлар, статистик бўлимлар ва шаҳарнинг бошқа муассасалари функциясини инкор этмаган ҳолда кутубхона шаҳарнинг саноат корхоналари ва муассасалари фаолияти тўғрисидаги тўпламларни: тахлилий ҳисоботлар; халқ оғзаки ва амалий ижод асарларини, энг қизиқ архив ҳужжатларининг ксеронусхасини; курс ва диплом ишларини; мактаб иншолари; биринчи адабий тажрибалар ва ҳ.к.ларни йиғади. Ундан ташқари, шаҳар кутубхоналари маҳаллий матбуотни, жумладан совет даври матбуотини сақлайдилар.

Ҳужжатлар массивини ўрганиш ва йиғиш – справка ва ахборот хизматининг асосидир. Кутубхонанинг имкониятларини амалга ошириш мактаб дастурлари, махсус курсларни, жумладан муаллифликни ҳужжатлар билан таъминлашда кўрилади. Дастурнинг минтақавий таркибий қисми кўпгина ўқитувчилар, тарихчилар, биологлар, адабиёт ўқитувчилари, тасвирий санъат асослари, бадиий маданият, меҳнат ўқитувчиларида кўпроқ учрайди. Биринчи галда айнан уларга ўлка солномалари, календарлар ва хроникалар, экология, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича материаллар зарур.

Китобхонларнинг талабларини доимий ўрганиш ўлкашунослик йўналиши бўйича ишни режалаштиришга имкон беради. Кутубхона мутахассислари китобхонларнинг ҳар бир гуруҳи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мавзу бўйича адабиётларни бериш ёрдамида, шунингдек маълумотлар базасида йиғилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, яна кутубхоначиларнинг ўз билимлари ёрдамида ҳар қандай ўлкашунослик сўроқларига жавоб берадилар.

Ёшлар учун ўлкашунослик мавзусида ахборот обзорлари, ахборот соатлари, қизиқарли маълумотлар соатлари ўтказилади.

Ўлкашунослик аспекти кутубхонанинг ахборот ишларида мунтазам иштирок этади. Оммавий ишлар билан бир қаторда кутубхонада таълим муассасалари ўқитувчилари ва қўшимча

таълим Ёшлар ижоди саройлари, “Полюс” клуби ўқитувчилари, талабалар, лицей ва ўрта мактаб ўқувчилари, шунингдек ўлкашуносларга мўлжалланган якка ва гуруҳли ахборот билан таъминлаш иши ҳам олиб борилади.

Ўлкашунослик соҳаси шундайки, ўз кутубхоначилик ишларидан четга ҳам чиқишга ва янги билимларни эгаллашга тўғри келади. Янги билимлар шаҳар, туман солномасини тузишда маданият ёдгорликлари ва архитектура ансамблини ўрганиш, кўчалар, черковлар тарихини ўрганиш ва ҳ.к.ларда эгалланади.

Кутубхона ўлкашунослиги кутубхоначиларнинг кўп томонлама фаолияти бўлиб, у қизиқувчи шахсларнинг талабларини қондириш, ўлка ҳақидаги билимларни ўзига хос кутубхоначилик-библиографик воситалар билан тўлдириш ва оммалаштириш мақсадида ахборот манбаларини қидириш, олиш, ташкил этиш, ҳисобга олиш, мазмунини очиб бериш ишлари ўлканинг билимдонлари ва мутахассислар билан узвий алоқада олиб борилади.

Беш йил олдин кутубхоначилар учун фаолиятнинг янги соҳаси – ноширлик очилди. Бу айниқса ўлкашуносликка тегишли бўлса, ўта масъулиятлидир.

МШКда нашриёт-тахририят комиссиясининг тузилиши билан ягона ноширлик марказини мувофиқлаштириш тартиби ва раҳбарлик йўлга қўйилди.

Ҳозирда кутубхона турли тавсия рўйхатлари ва адабиётлар кўрсаткичлари, тўпламлар, календарлар, методик қўлланмалар, тезкор-ахборотнинг ҳар хил турлари: дайжестлар, буклетлар, хатчўплар, эсдаликларни мустақил чиқаради.

Кейинги йилларда 40 га яқин справка-библиографик характердаги нашрлар босмага тайёрланди. Улардан энг қизиқарлиси: “Нижний Тагил” универсал кўрсаткичи, “Нижний Тагил санъати” мавзули кўрсаткичи; “Кўчалар”, “Ҳайкаллар”, “XIX аср меъморчилиги” (шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликлари) справочниклари; “Уралдаги янги заводлар тўғрисидаги Фармоннинг 300 йиллиги”, “Урал металлургияси тарихи”, “Нижний Тагилда қурилиш – XX аср”, “Тагил

нақшларининг афсонавий сирлари” адабиётларнинг тавсия рўйхатлари; Д.Н.Мамин-Сибиряк юбилейига тайёрланган “Унинг суратларининг қийин тақдири...” биографик очерк ва бошқалар.

“Нижний Тагил” универсал библиографик кўрсаткичида материал тўлиқ ва батафсил берилган бўлиб, унга ҳужжатли материаллар, илмий ва оммабоп адабиётлар, статистик ва справка материаллари, бадиий адабиёт киритилган.

Улар кейинги 20 йиллик китоблар, кичик рисоалар, китоблардан боблар ва бўлимлар, журналлар ва газеталардан мақолалардир. Қўлланмага ёрдамчи исмлар кўрсаткичи, шаҳарнинг ташкилотлари, муассасалари, географик объектлари кўрсаткичи берилган.

МШК санъат зали ходимлари тузган “Нижний Тагил санъати” кўрсаткичида 1997 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда Нижний Тагилда санъатнинг ривожланиши ҳақидаги материаллар системалаштирилган. Унда шаҳарнинг ихтисосли ва ҳаваскорлик санъати ривожланишининг ўта тўлиқ тасвири берилган. Бундан ташқари тузувчилар унга Тагил мусаввирлари ижодига бағишланган нашр қилинмаган материаллар, авторефератлар, курс ва диплом ишларини ҳам киритганлар. Материалларнинг алифбо тартибида жойлаштирилиши бугунги кунда Нижний Тагил санъатининг ҳолати билан батафсил танишиш имконини беради. Бу қўлланмада 3 та ёрдамчи “калит”: муаллифлар кўрсаткичи, исмлар кўрсаткичи ва шаҳар фестиваллари ва ижодий танловларнинг алифбо рўйхати берилган. Кўрсаткич охирида илова сифатида давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан мукофотланган Нижний Тагил маданият ходимларининг рўйхати берилган.

Ўқитувчилар, ўқувчи ва талабалар, кутубхоначилар, ўлкашунослар ва маданият ходимларига уларнинг ўқув ва касбий фаолиятларига ёрдам беришга мўлжалланган бу кўрсаткичнинг тақдимотида ушбу нашрга номлари кирган шахслар қатнашдилар, ўз ижоди билан шаҳарининг шуҳратини ёйганлар ҳақида ҳикоялар ва мусиқа янгради.

Севимли шахримиз ҳақида турлича ҳикоя қилиб бериш: муҳим ва кўзга ташланмайдиган воқеалар ва ишлар, шунингдек, уларни қилган кишилар ҳақида эслаш, тақдирнинг кутилмаган бурилишлари ва муҳим аҳамиятли ютуқлар ҳақида фикр юритиш мумкин.

Китобхонларнинг Нижний Тагил кўчалари тарихига талаби катта. Кутубхона ходимлари “Шаҳримиз кўчалари” справочнигини тайёрлаб нашрдан чиқардилар. Бир оз вақт ўтиб, у қайта нашр қилинди. Буюк ғалабанинг 60-йиллиги арафасида “... қахрамон номидаги кўча” справочниги тайёрланди, унга Улуғ Ватан уруши қахрамонлари номи билан аталувчи кўчаларнинг таркиб топиши тарихи бўйича материаллар киритилган. Кутилган натижага эришилди. Справоник кўп талаб қилинмоқда. Педагоглар, ўлкашунослар, ўқувчилар, ҳатто музей ходимлари ҳам ундан фойдаланадилар.

Кейинги беш йил ичида ўлкашунослик мавзусидаги ахборот тўпламлари – “Тагил топилмалари” (“Тагил мадоннаси” сурати тўғрисида; Карамзиннинг А.С.Пушкиннинг ўлими ҳақидаги маълумот мавжуд хатлари тўғрисида); “Тоғ сардори” (В.Н.Татишев ҳақида); “Артамонов ҳақида афсона” (Уралда биринчи велосипед ихтирочиси ҳақида); “Болалар” (Мамлакатимизнинг “Оловли нукталари”да ва Афғонистонда ҳалок бўлган тагиллик жангчилар ҳақида); “Жанговар вазифани бажаришда ҳалок бўлган” (Нижнетагил милиция мактабининг маҳаллий жангда ҳалок бўлган битирувчилари ҳақида); Адабиёт ва санъат бўйича – “Урал афсоналари ва ривоятлари”, “Уралнинг мусиқа маданияти”, “Тагил ҳақида шеърлар”; экология бўйича – “Энг гўзал Урал”; “Россия ва Уралнинг Қизил китоби” кабилар нашр қилинди. Шунингдек ўлкашунослик мавзусидаги методик нашрлар: “Уралда темир йўл қурилиши тарихи”, “Бу ерда одамлар орзу қилганлар ва ишлаганлар” (УВЗ ишчилари ҳақида кўргазма-викторина); “Қайтганлар поэзияси” (ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳалок бўлган ураллик шоирлар ҳақида); “Бундан азизроқ шаҳарни топа олмайман” (“Бахтли ҳодиса” ўлкашунослик ўйини); “Урал сўқмоқларида” (экологик-ўлкашунослик ўйини) ва бошқалар нашр қилинган.

Ўлкашунослик материалларига ҳар доим талаб катта. Ҳар йилги шаҳар ўлкашунослик танловлари ва викториналар, рефератлар, курс ишлари ва шахримиз тарихига бўлган оддий қизиқиш фойдаланувчиларни ўлкашунослик нашрларига, мақолаларга, турли материалларга мурожаат қилишга ундайди. Кутубхона нашрларидан ўқувчилар, талабалар, ўлкашунослар, ўқитувчилар, кутубхоначилар, музей ходимлари ва ўз шаҳри тарихига бефарқ бўлмаган барча шахслар фойдаланадилар.

Нижний Тагил Марказий шаҳар кутубхонаси ва унинг шоҳобчалари турли гуруҳ фойдаланувчиларига турли характердаги ўлкашунослик ҳужжатларини тақдим этиб хизмат кўрсатадилар.

Муниципал кутубхона ўз ўлкаси, шаҳри, минтақасининг кундалик ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз ўлкаси аҳолиси орасида ўлкашунослик ахборотини тарқатиш билан бевосита иштирок этиб, ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Кутубхона ходимлари бу йўналишдаги ишни давом эттирадилар, ўлкашунослик – бу ўтмишни билишгина эмас, балки тарихий тажрибани ўзлаштириш, сақлаш, вақт синовидан ўтган нарсаларни танлаб олиш ва такомиллаштириш ҳамдир.

Томашёва Е. Память о прошлом и настоящем – для будущего: Краеведение как форма патриотического воспитания //Библиотечное дело.-2007.- № 10 (58).-С.2-5.

Ўтмиш ҳақидаги ва ҳозирги хотира келажак учун.

Ўлкашунослик АРМга бугун ўз китобхонлари олдида, унинг қизиқишини уйғотадиган ва табиий қизиқувчанлигини қондиришга, уни мустақил ва ташаббускор қилишга қодир шу кунги муҳим масалаларни қўйиш имконини беради. Мактабга, қўшимча таълим муассасасига, оилага, жамоатчиликнинг кенг қатламига ва умуман давлатга таянч бўла олади.

А.С.Пушкин номидаги Марказий шаҳар болалар кутубхонаси (МШБК)нинг 1-шоҳобчасида (Санкт-Петербург) “Болалар ўқиши устахонаси” ташкил қилинган эди, унинг ишига

шаҳарнинг қатор болалар кутубхоналари қўшилдилар. Тадқиқотда В.М.Маяковский номидаги Марказий шаҳар универсал кутубхонаси (МШУК), СПбДМСУ болалар адабиёти кафедраси мутахассислари иштирок этдилар. Бу ишнинг дастлабки натижалари “Болалар кутубхонаси ва мутолаа дунёси” деб номланган халқаро илмий конференциясида қўрилди ва муҳокама қилинди (2007 й. январь).

Ҳозирда “Болалар ўқиши устахонаси”ни ўлкашунослик билан боғлаб давом эттириш лозим, бу тадқиқот амалий ишларни аниқлаштиради ҳамда уни ҳукуматнинг долзарб дастурлари (масалан, ватанпарварлик тарбияси дастури)га яқинлаштиради ва у билан янада сезиларли натижа олиш мумкин. Ўлкашунослик иши болалар мутолааси ва ўқимаслигининг кўпгина муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Петербургда учун ўлкашунослик алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда, Д.С.Лихачевнинг айтиши бўйича “рус маданиятининг айнан барча яхши томонлари йиғилган... У рус шаҳарлари орасида энг руси, европа шаҳарлари ичида энг европачасидир. Шунинг учун ҳам Петербург биронта рус ва биронта европа шаҳарига ўхшамайди. Чунки у ҳар икки маънода ҳам энг ажойиб”. У яна санъат асари қандай ўрганилса “шаҳар образи ҳам жуда диққат билан ўрганилиши керак” деб таъкидлайди. Ҳеч бир шаҳар Петербургчалик ажойиб ва қаҳрамонона тарихга эга эмас. Бу тарих ҳақидаги хотира – ҳар бир ленинградлик оилада, унинг кўчаларида, уйларида ва ёдгорликларида. Унинг асосий бойлиги – бу ҳозир яшаётган ва ўтиб кетган одамларидир.

Петербургда болалар билан шаҳар тарихига бағишланган катта ва қизиқарли иш олиб бораётган Петербург тарихи ва маданияти болалар кутубхонаси, А.С.Пушкин номидаги шаҳар Марказий болалар кутубхонасининг 2 шоҳобчаси бор. Яна Ёшлар ижоди саройи кутубхонаси, шаҳардаги қатор туман болалар кутубхоналари, Кронштат ва Сестрорецк шаҳар болалар кутубхоналари, Ленинград вилоят болалар кутубхоналари. Бироқ кўп болалар кутубхоналарининг ўлкашунослик ишлари

юбилей-эпизодик хусусиятга эга ва бир марталик оммавий тадбир билан чекланади.

Ўлкашунослик иши мавзуси – “Болалар ўқиши устахонаси” учун қизиқарли истиқболдир. Ҳозирда айнан бизнинг шаҳримизда ўлкашунослик илмий тадқиқотлари ўтказилиши муҳимдир, унинг натижалари болалар билан олиб бориладиган ўлкашунослик ишларининг асоси бўлсин.

Ҳозирги кунда ўлкашунослик иши ўта муҳимдир, негаки қайта қуриш даврида туғилган болалар – ҳозирги ёшлар улғайдилар. Улар ҳамма соҳада ва йўналишларда ислохотлар юз берган даврда ўсдилар. Улар ўлкашунослик бўйича етарли билим олмайдилар, ўз тарихини, туғилиб ўсган жойи тарихини яхши билмайдилар. Бунга сабаб, кутубхоналарнинг ўлкашунослик бўйича чуқур иш олиб боришга тайёр эмаслиги, болалар кутубхоналари ўлкашунослик ахборот ресурслари ҳолатининг қониқарли эмаслиги, кутубхоналар ташаббускорларининг етишмаслиги, уларнинг ҳокимият тузилмалари, жамоатчилик билан алоқасининг бўшлиги ва бошқалар.

Россияда ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган икки муҳим давлат қарори қабул қилинган, унинг амалга оширилиши эса фаол ўлкашунослик ишисиз мумкин эмас. Бироқ болалар кутубхоналарининг ўлкашунослик иши давлат томонидан қўллаб қувватланмаган, бу бўйича Низом давлат томонидан ишланмай, айрим шахсларнинг ташаббуси бўлиб қолмоқда, болалар кутубхоналари ва йирик муниципал кутубхоналарда ўлкашунослик бўлимлари ташкил этиш масаласи ҳал қилинмаган, болалар кутубхоналари библиографлари, жумладан ўлкашунос-библиографларининг малакасини ошириш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Петербургда болалар кутубхоналарининг ўлкашунослик ишини мувофиқлаштирувчи ва илмий марказ йўқ.

Шунга қарамай, болалар кутубхоналарининг алоҳида ходимлари ташаббуси, жамият ва келгуси авлод олдидаги масъулияти туфайли болалар билан ўлкашунослик кутубхоначилиқ иши ривожланмоқда.

Масалан ташкилий-методик йўналишдаги “Ёш ўлкашунос” журнали пайдо бўлди.

Ўлкашунослик ишининг муваффақияти тўлалигича у билан ким шуғулланишига боғлиқ. Бунда атрофига ҳамфикрлар жипслашадиган ижодий шахс керак. Ундан ташқари, бундай ишда ўлкашуносликнинг библиографик, справка, архив манбаларига таяниш, улардан ўз ишларида ва китобхонлар билан ишлашда фаол фойдаланиш лозим. Ўлкашунослик ахборот муҳитини ташкил этиш пухта ўйланган бўлиши зарур. Ўлкашуноснинг мустақил билим олиши узлуксиз бўлиши зарур. Фақат шундай серғайрат ва масъулиятли ходимгина кутубхона фаолиятидаги бош ва истикболли йўналишларини белгилаши мумкин.

Кутубхоначининг вазифаси – ахборот-библиографик ресурсларни яратиш ва ўрганиш ҳамда бу ресурсларнинг ишлашини таъминлаш, яъни китобхонни улардан фойдаланишга жалб қилишдир. Туман болалар кутубхонасида ўлкашунослик ҳужжатлари билан ишлаш ва СБАни ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Петербургдаги етакчи нашриётлар билан алоқалар, маҳаллий газеталар ва журналларга обуна бўлиш, РМК ва В.В.Маяковский номидаги Марказий шаҳар кутубхонаси томонидан 1989 йилдан нашр қилинаётган “Санкт-Петербург ҳақида адабиётлар” номли китоб ва журнал мақолаларининг йиллик кундалик библиографик кўрсаткичи китоб фондини тўлдиришда ёрдам беради. Ўлкашунослик нашрлари алоҳида фондда ажратилиши жуда муҳим. Бироқ, Петербург ўлкашунослигида бу қийин иш. Петербург болалар кутубхонасида фондни кўриб чиқиб, ўлкашунослик нашрларини аниқлаш иши олиб боради, бу қийин, кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Бу кутубхоначининг касбий маҳоратини оширибгина қолмай, яна справка аппаратини такомиллаштиришга: каталогдаги ўлкашунослик материалларни кўшимча индекслаш, ўлкашунослик картотекасининг тўлиқлигини таъминлаш имконини беради.

Болалар билан ишлашда ҳозирда китобсиз нашрлар: қўлёзма ҳужжатлар, мультимедиа нашрлари, фоно, киноҳужжатлар,

музей ашёлари ва бошқалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Баъзи болалар кутубхоналарида адабий музейлар мавжуд. Масалан, Псков вилоят болалар-ўсмирлар кутубхонасида В.А.Кавериннинг “Икки капитан” романи музейи бор. Бу музей ишида маҳаллий жамоатчилик, ҳарбий қисмлар ва экскурсовод ролини ўйнайдиган болаларнинг ўзи иштирок этадилар. Бу музей бунга ўхшаш ўлкашунослик иши қанчалик истиқболли эканини, ўлкашуносликка кутубхонанинг китобхон бўлмаган шахсларни ҳам жалб қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Катта шаҳарда ўлкашунослик ишининг ўзига хослиги бу ўз тумани ҳақидаги адабиётни СБА да ўта тўлиқликда ақс эттириш заруратидир. Болалар кутубхоналарида библиографларнинг йўқлиги бу ишни қийинлаштиради ва ўлкашунослик СБАни сифатли ташкил этиш тумандаги барча кутубхоналарни, жумладан катталар кутубхоналари кучларини бирлаштиришни талаб қилади. СБАни ташкил қилиш имкониятлари кутубхоналарнинг компьютерлаштирилиши билан кенгайди. Ўлкашунослик материалларини энди Интернетдан ҳам қидириш мумкин, уни сайтлар кўринишида ҳам расмийлаштириш мумкин. Аммо ўлкашунослик ресурсларини компьютерлаштириш борасидаги ишлар анча сермеҳнатдир. Бу яхши моддий техник негизнигина эмас, яна ходимлардан юқори малака ҳам талаб қилади. Бу иш кутубхоначидан китобхоннинг ахборот маданиятини шакллантиришни талаб қилади. Бу яна ўлкашуносликни тарғиб қилиш ва бу масалага китобхоннинг диққатини жалб қилишда асос бўлиб ҳисобланади.

Болаларга мўлжалланган шаҳар тўғрисида универсал тавсия библиографик қўлланмалар, шаҳар бўйича маҳаллий ёзувчилар ижоди бўйича, муаммо-мавзули ва бошқа библиографик йўл кўрсаткичлар, шунингдек болаларнинг китоб ҳақидаги ахборотни қабул қилиш хусусиятларини ҳисобга олувчи библиографик қўлланмаларнинг “кичик шакллари”ни тузиш “Ўқиш устахонаси” фаолиятида истиқболли ва муҳим йўналиш бўлиши мумкин.

**Русанова Л. Знать – значит любить: Из опыта работы
Псковской историко-краеведческой библиотеки
//Библиотечное дело.-2007.-№10. (58).-С.13-16.**

Билиш –севиш демак.

Псков шаҳар И.И.Васильев номидаги Муниципал маданият муассасаси Марказлашган кутубхона тизимининг тарихий-ўлкашунослик кутубхонаси мудирини Людмила Федоровна Русанова кутубхона иш йўналиши – ўлкашунослик ишлари тажрибаси ҳақида ёзади.

Жонажон ўлка тарихи ва маданияти ҳақидаги тўлиқ ва ишончли маълумотларни ўлкашунослик адабиётидан олиш мумкин. Афсуски, ёшлар томонидан бундай китоблар кўп талаб қилинмайди. Бироқ кутубхоначилар биладиларки, ўлкашунослик бўйича нашрлар - ўз ўлкасининг ўтмиши ва ҳозирги даврига қизиқиш уйғотувчи чуқур ва мазмунли адабиётлар тўплами бўлибгина қолмай, балки яна бу ерда туғилиб ўсганидан ифтихор туйғусини ҳам шакллантирадиган адабиётдир. Сенинг Ватанингнинг бир бурчаги бошқалардан қандай фарқ қилади, у қандай тарихий воқеалари ва ноёб шахслари билан машҳурлиги қизиқarli эмасми?!

Айнан шу қизиқишдан Псков кутубхоналари фойдаланиб, ўлкашунослик адабиётлари бўлимини кенгайтирмоқдалар, бу ишга китобхонларни ҳам жалб этганлар. Кутубхона ходимлари шарофати билан ўлкашунослик адабиётлари борган сари кўп сўралмоқда, ўлкашунослик йўналиши эса кўпроқ кутубхонанинг қиёфаси, хусусиятини белгилаб беради.

Ўлкашунослик китобларининг ўсмирлар доирасида таъсирини ошириш вазифасини И.И.Васильев номидаги Псков тарихий-ўлкашунослик кутубхонаси ўз зиммасига олган. Кутубхона муҳити, унинг заллари ва галереялари китобхонда қадимий Псков тарихига даҳлдорлик ҳиссини уйғотади. Кутубхонанинг бутун фаолияти шунга йўналтирилган. “Биз “Псков ерлари Россия тарихида” узоқ муддатли дастур доирасида маданий, таълимий, ахборотли ва ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқамиз”, дейди кутубхона мудирини Людмила

Фёдоровна Русанова. Бу дастурнинг ёшлар учун аҳамиятини тушуниб, кутубхонага шаҳар ва вилоятнинг турли таълимий ва жамоатчилик ташкилотлари ёрдам берадилар.

Кутубхонанинг ўз нашрларини ҳам ўзида жамлаган маҳаллий тарихий-маданий ҳаёт масалалари бўйича бой адабиётлар фонди кутубхона ахборот ресурсларининг асосини ташкил қилади. Уларни “Псков ўлкаси солномасини ёзиш” ўлкашунослик картотекаси ва кутубхона ходимлари яратаётган электрон рефератив база тўлдиради.

Ёш китобхонларда тарих ва ўлкашуносликка қизиқиш уйғотиш учун кутубхона ўз муҳитига эга бўлган алоҳида макон бўлиши лозим. Кутубхонанинг муҳим тузилмавий макони – “Ўлкашунослик зал-галереяси”дир. Бу ерда Псковлик машҳур кишиларнинг портретлари қўйилган. Экспозициялар, шахслар ҳақидаги биографик маълумотлар ҳар йили янгиланади; бу ерда яна бу шахслар ўз юрти шухратини қандай, нима билан таратганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ва бошқа нашрлар, расмлар ва ҳужжатлар намойиш этилган. Агар бирор китобхонаник бир шахс билан қизиқиб қолса, у ўлкашунослик картотекаси ёрдамида санокли дақиқаларда адабиётларни танлаб, йиғиб олиши мумкин. Зал-галерея доимо гавжум. Бу ерда саёҳатлар, тематик учрашувлар ва суҳбатлар, юқори синф ўқувчилари учун дарслар, адабиётлар обзорлари, маслаҳатлар ўтказилади.

Кутубхона ходимлари буни маданиятшунослик лойиҳаси деб атайдилар. У бир неча йиллардан буён муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. “XIX аср охири XX аср бошларида Псковнинг маданиятидаги ҳомийлар ва корхона эгалари”, “Улуғ Ватан уруши қатнашчилари – Псковнинг фахрий фуқаролари” (1941-1945 йй.), “Псков шаҳрини озод қилишдаги гвардия”, “Псковликлар 1812 йилги Ватан уруши қаҳрамонлари” каби кўргазмалар ташкил қилинган. Ҳозирда эса “Псковликлар – XIX аср охири-XX аср боши тарихчилари” экспозицияси намойиш этилмоқда. Кутубхона маконининг ажралмас қисми витриналардир. Музей шаклида икки кўргазма мавжуд. Улардан бири машҳур ҳамюрт, олим, тарихчи ва ўлкашунос, Псковнинг

фахрий фуқароси Иван Иванович Василёв (1836-1901) ҳақида ҳикоя қилувчи доимий кўргазмадир. Иккинчиси – Улуғ Ватан уруши даври ҳарбий хусусиятлар тўғрисида ҳикоя қилувчи вақтинчалик кўргазмадир.

И.И.Василёв катта тарихий ва ўлкашунослик материали йиққан ва системалаштирган: 50 дан ортиқ асарлар, монографиялар, луғатлар, кўрсаткичлар, мақолалар ва бошқалар унинг қаламига мансубдир. “Псков шаҳри ва теварак атрофдаги жойларнинг археологик кўрсаткичи” унинг ўлкашунослик ишида гултожи бўлган.

Ҳамкорлар билан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ўлкашунослик китобларини ўқишни қўллаб қувватлашга йўналтирилган. Ёшлар билан оммавий ишларнинг асосий шакли – ҳар йилги ўтказиладиган “Ўсмирлар Кутузов ўқишлари”, ўқувчиларнинг тарихий-ўлкашунослик олимпиадалари, шунингдек славян ёзуви ва маданияти кунига бағишланган ёшлар учун конференциялардир.

1812 йилги Ватан уруши қаҳрамони Михаил Илларионович Воленищев-Кутузов Псковда туғилганлиги факти ёшлар учун ҳақиқий ихтиро бўлди ва “Ўсмирлар-Кутузов ўқишлари” буюк саркардага авлодларнинг ўзига хос ҳурмати дир. Россиянинг ҳарбий тарихи босқичларини ўрганаётиб, Кутузов ўқишларининг қатнашчилари ўзлари учун ягона бир нарсани кашф этадилар – бу босқичлар Псков тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

2006 йил октябрда 12-Кутузов ўқишлари бўлиб ўтди. У Россия флотининг 310-йиллигига бағишланди. “Псковлик флотчилар Россия тарихида” номли конференцияда шаҳарнинг мактаб ва лицейларидан 17 ўқувчи маъруза билан чиқдилар. Болалар машҳур рус денгиз сайёҳлари – Лоптевлар, Врангел, Пешуров, Скридлов, Голенишев-Кутузовлар, Зеленан, Чихачевлар династияси ва бошқалар ҳақида йиғилганларга илмий жиҳатдан маълумот бердилар. Маърузаларнинг бир қисми Чуд флоти тарихига, шунингдек “Псков” атом сув ости кемасига бағишланган. Айрим қатнашчилар мультимедиа технологиясидан фойдаландилар.

Ўқишларга “Россия флоти тарихидаги псковлик номлар” номли кўргазма ташкил этилди, унда Псков вилояти Давлат тарихи фондидан ҳужжатлар нусхалари намоиш қилинди.

Ўқув зали ходимлари ўлкашунослик кутубхона фондидан “Ватан шон-шарафи – Россия флотига 310 йил тўлди” ва “Россия сув ости флоти 100 ёшда” номли китоб-расмли кўргазмалар ташкил қилдилар.

Ёшларнинг ўқишларда қатнашишига жиддий ёндошиши ва қизиқиши қувонарли ҳолдир. Маърузаларга тайёрланишда ёш тадқиқотчилар Псков вилояти давлат архиви фондидаги архив ҳужжатлари билан ишладилар, маҳаллий вақтли нашрлар ва ўлкашунослик адабиётларидан фойдаландилар.

Кутубхона ўқувчиларнинг Псков ўлкаси тарихини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва иқтидорли ва қобилиятли болаларни аниқлаш учун уларнинг келгуси заковати ва ихтисосли ўсиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида тарихий-ўлкашунослик олимпиадаларини ўтказди.

Яқинда “Псковнинг узок чекка жойлари” номли 9-чи тарихий-ўлкашунослик олимпиадаси 3 босқичда ўтказилди. Унда шаҳардаги қатор мактаб ва лицей ўқувчилари беллашдилар.

Биринчи ва иккинчи босқичлар саралаш босқичлари эди. Биринчи босқичда ўқувчилар шаҳар ва вилоят тарихи ва диққатга сазовор жойлари ҳақидаги саволларга сиртдан жавоб бердилар. Иккинчи босқичда болалар реферат шаклида тадқиқот ишини тайёрладилар. Улардан энг яхши 10 таси танлаб олинди ва улар учинчи босқичга ўтдилар. Ғолибликка даъвогарларга бевосита ижодий топшириқ – каталог, китоб кўргазмаси бўйича проспект ёки буклет тузиш топширилди. Болалар топшириқни ажойиб бажардилар.

Олимпиадани кутубхона ўқув залидаги байрам яқунлади. Ҳайъат раиси А.В.Филимонов (унив. Ватан тарихи каф. мудири) реферат муаллифлари фактли ва тарихий аниқликка риоя қилган, мавзуларни ўрганиш ва ёритишда мустақил ишлаганликларини, шунингдек ўз ишларида тасвирланаётган

ҳодисаларга шахсий муносабатларини кўрсатишга эришганликларини таъкидлади.

Кутубхона фондидан “Катта йўл четида” мавзусида, шунингдек Псков вилояти янги тарихи Давлат архиви фондидан “Менинг кичик Ватаним” мавзусида кўргазма ташкил қилинди.

Тақдирлаш маросимида ғолибларга “Псков кўҳна откриткаларда”, “Псков губерниясининг уезд шахарлари”, “Ян Замойский совғалари”, “Псковдан тарихий драма”, “Россиянинг жўшқин худудларида” ва бошқа китоблар топширилди.

Олимпиада ғолиблари ва қатнашчиларига яна бир совға – бу Себеж шахрига рағбатлантириш саёҳати бўлди.

Вақти-ватқи билан кутубхона иштирокида славян ёзуви ва маданияти кунига бағишланган Ўсмирлар конференциялари ўтказилиб турилади.

Шу йилнинг майида кутубхонанинг ўқув залида славян ёзуви ва маданияти кунлари доирасида 12-Ўсмирлар конференцияси бўлиб ўтди. У Изборскнинг 1145 йиллигига бағишланиб, “Изборск солномалар ва ёзма манбаларда” деб номланди. Бу ерда Труворов шахарчаси, Изборскнинг хонакоҳ ёдгорликлари, қалъа ва унинг минораси яратилиш тарихи билан боғлиқ археологик тадқиқотлар ҳақидаги маърузалар тингланди.

Бу конференцияга ҳам икки кўргазма – “Изборск 1145 ёшда” китоб-расми ва “Изборскнинг Никольский Собори” номли ҳужжатлар нусхасининг кўргазмаси ташкил қилинди.

Маърузачиларга Псков шахри маъмуриятининг Таълим бошқармаси ва маданият бошқармаси тасдиқлаган қатнашганлик дипломи топширилди.

Кутубхонада кўп йиллардан буён “Кальчуга” (“Совут”) ҳарбий-тарихий клуби ишлаб турибди. Клуб аъзолари асосан ёшлар – кутубхона тадбирларининг фаол иштирокчиларидир. Айнан улар ҳарбий-тематик ўйинлар, Улуғ Ватан уруши фахрийлари, ўлкашунослар билан учрашувлар, ҳарбий хусусиятга эга кўргазмалар, давра суҳбатларини ташкил қиладилар ва ўтказадилар. Улар ташкил қилган тадбирлар ичида – “Уруш аскарлар нигоҳида”, “Совет-фин уруши ва унда

псковликларнинг иштироки”, “Совет Иттифоқи Германияга бостириб кириши мумкинми?” ва бошқалар.

Юқоридаги олиб борган ишларимиз ўз натижасини бермоқда. Мактаблар ва лицей ўқувчилари, талабалар кутубхона ходимлари тавсия қилган ўлкашунослик нашрларидан фойдаланишни ўрганмоқдалар ва олган ўлкашунослик билимларидан маърузалар, рефератлар, ахборотлар тайёрлашда фойдаланмоқдалар. Болалар аста-секин ўлкашунослик китоблари фондининг қимматини ва аҳамиятини сезиб бормоқдалар, энг асосийси – Псков ўлкаси тарихий ва маданий меросини асраб авайлаш зарурлигини тушунадилар.

Албатта, бу лойиҳаларни бизнинг ижтимоий шерикларимизсиз амалга ошириш мумкин бўлмас эди. Шаҳар маъмурияти маданият бошқармаси ва таълим бошқармаси, С.М.Киров номидаги Псков давлат университети, Псков вилоят таълим тизими ходимларининг малакасини ошириш институти, Россия Халқаро туризм академиясининг Псков филиали, Псков Давлат бирлашган тарихий-меъморчилик ва бадиий музей-кўриқхонаси, Псков шаҳар болалар туризм маркази, Псков вилояти Давлат архиви, Псков вилояти энг янги тарихи Давлат архиви, Псков ўлкашунослар клуби, Псков шаҳри фахрийлар Кенгаши, Псков вилоят “Пантера изи” қидирув бирлашмаси, Александр Невский ибодатхонаси, “Стерх” нашриёт уйи – буларнинг барчаси ҳамкор ва шерикларимиз.

Шу шериклик ва ҳамкорликдаги лойиҳаларимиз туфайли псковлик ўсмирлар нафақат тарихий-ўлкашунослик китоблари, маҳаллий оммавий ахборот, архив ҳужжатлари, ўлкашунослик бўйича китоблар, инқилобгача бўлган қимматли нашрлар билан ҳам ишлаш имконига эга бўлдилар.

Бу ҳамкорликдаги ишимизнинг энг муҳимларини қуйидагиларда кўриш мумкин.

- мутахассис-маслаҳатчиларнинг қўшимча доираси (тарихчилар, ўлкашунослар);
- ахборотнинг янги манбалари;
- хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши;
- жамият, маҳаллий ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаши;

- аниқ молиявий ёрдам;
- маъруза ва рефератларнинг электрон базасини яратиш;
- китоблар совғаси

кабиларга эришилди.

Бу фаолиятдан шериклар ҳам манфаатдор. Айниқса, бу фаолиятдан ёш фойдаланувчи фойда кўради. Ҳозирда катта тарихий-ўлкашунослик ахборот ресурси, хизматнинг янги шакллари, жумладан Интернетда ўлкашунослик қидируви, ўсмирлар хизматида. Ижтимоий ўлкашунослик ҳамкорлиги (шериклик) оммавий китобхонга бизнинг тарихий-ўлкашунослик кутубхонамизни худди янгидан очаётгандек, унинг имкониятларини кенгайтиради, ўлкашунослик китобларининг нуфузини янги даражага кўтаради.

Мақолани Д.С.Лихачевнинг “Ўлкашунослик инсон атрофида усиз онгли равишда яшай олмайдиган юқори даражадаги маънавийликни юзага келтиради” деган фикрлари билан якунламоқчиман, дейди Л.Ф.Русанова.

Ширко К., Ширко Т. Историческое сознание – элемент культуры: Краеведческие интернет-ресурсы Сибири //Библиотечное дело.-2007.-№10 (58).-С.21-24.

Тарихий англаш – маданиятнинг белгисидир.

Тарихий англаш ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тузилмасини ўлчашнинг муҳим таркибий бўлакларидан бири ҳисобланади.

А.С.Пушкин номидаги Томск вилоят универсал илмий кутубхонаси негизида яратилган ўлкашуносликка бағишланган интернет-ресурс шу кунгача тарихшуносликда ўрганилаётган масалалар манбаларини тўлдиради.

У Сибирь ўлкаси ўлкашунослик жамоатчилиги, шунингдек, минтақавий ижроия ва қонуний ҳокимият вакилларининг фаол иштирокида яратилган. Улар: “Томск шаҳрининг ёдгорликлари”, “Томск шаҳри хотира лавҳалари”, “Томск ўлкашунослиги”, “Томск ва томскликлар Россия

парламентаризми тарихида”, “Сибирь вилоятлари” лойиҳаларидир.

“Томск шаҳрининг ёдгорликлари” ўлкашунослик сайтини яратишдаги биринчи тажрибадир. У 2001 йилда тузила бошлаган. Сайт устида ишлаш давомида ўлкашунослик ахбороти массиви йиғилибгина қолмай, вилоят кутубхонасининг тарихий интернет-ресурсига асос бўлувчи бош тамойиллар асосланади:

- ахборотнинг бирламчи манбаларига асос (таяниш) (архив ҳужжатлари ва материаллари, авторитет матнлар);
- мутахассисларни лойиҳани бирга бажарувчилар ва қатнашчилар сифатида кўрилатган масалага жалб қилиш (уларнинг монографиялари ва мақолаларидан фойдаланиш);
- муаллифлик ҳуқуқини сўзсиз сақлаш;
- лойиҳа иштирокчиларини моддий ва маънавий қўллаш;
- лойиҳанинг ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида маълумоти, малака даражаси ва фаолиятининг асосий мазмунини ҳисобга олган ҳолда лавозимларни тақсимлаш;
- тақдим этилатган ахборотнинг ҳажми (справка ва аналитик ахборот, кўргазмали материаллар, библиография).

Биринчи лойиҳанинг муваффақиятли тажрибаси ўлкашунослик тадқиқот ва оммалаштириш ишларининг предмет соҳасини кенгайтириш ва маҳалладан умумсибир проблематикасига ўтиш имконини берди. Натижада “Сибирь вилоятлари” мавзули сайти пайдо бўлди. У 2004 йилда фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга А.С.Пушкин номидаги Томск УИК ўлкашунослик ресурсларини комплекс тақдим этиш вазифаси ҳал қилинди. Кутубхонанинг кўп йиллик фаолиятида ўлкашунослик етакчи йўналишлардан ҳисобланади. У ўзаро боғланган 3 йўналишда олиб борилади:

- маҳаллий ва ўлкашунослик нашрларини олиш, сақлаш ва илмий ишлов бериш;
- турли-туман ўлкашунослик ахборотини йиғиш;

- маҳаллий тарих соҳасида бевосита тадқиқотлар (аввало Томскда ва Томск вилоятида китоб тарихи ва кутубхоначилик иши).

Кутубхона ўлкашунослигининг айрим натижалари “Томск ўлкашунослиги” сайти саҳифаларида ўз аксини топган. Сайт фойдаланувчилар учун 2004 йил августи охирида, Томскнинг 400-йиллик юбилеи арафасида очилган ва ҳозирда Ғарбий-Сибир минтақасида энг нуфузли ўлкашунослик интернет-лойиҳаси ҳисобланади.

Айнан “Томск ўлкашунослиги” сайти А.С.Пушкин номидаги Томск ВУИК энг катта ўлкашунослик лойиҳаси – “Томск ва томскликлар Россия парламентаризми тарихида” илмий-таълимий интернет-ресурсни амалга ошириш учун майдонча бўлди. Унинг яратилиши минтақа парламенти ва Вилоят кутубхонасининг узоқ муддатли ахборот ва дастурий-технологик ҳамкорлиги туфайли мумкин бўлди. 2005 йил охирида бошланган бу лойиҳа XX аср бошида Россия жамиятининг “сиёсий уйғониши” рамзи ва механизмларидан бири бўлган биринчи мамлакатнинг қонуний ҳокимияти – Давлат думасининг 100 йиллик байрами бевосита унинг яратилишига сабаб бўлди. Сайт томскликларнинг сиёсий онгини шаклланишига, минтақада фуқаролик жамияти институти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга ёрдам беради.

Бу кўрилган ўлкашунослик интернет-сайтлари кенг аудитория томонидан талаб қилинади. Унга ҳар куни нафақат томскликлар ва Сибирь минтақаси аҳолиси, балки Россиянинг европа қисми (асосан Москва ва Санкт-Петербург)дан, шунингдек яқин ва узоқ хориждан фойдаланувчилар мурожаат қиладилар.

Унга суткасига ўртача 15-25 киши, “Томск шаҳрининг ёдгорликлари” ва “Томск шаҳри хотира лавҳалари” сайтига эса 60-70, “Томск ўлкашунослиги”га 130-150 нафар, “Томск ва томскликлар Россия парламентаризми тарихида” сайтига – 100-110 нафар фойдаланувчи мурожаат қиладилар.

Юқоридаги лойиҳалар шуни кўрсатадики, ўлкашунослик мавзуси ҳаваскор ўлкашуносларни ҳам, малакали

тадқиқотчиларни ҳам ҳаяжонлантиради. Бу ўлкашунослик тарихий интернет-ресурсларни ихтисосли тарихий ҳамжамият ва тарихий онгнинг шаклланиш каналларидан бири деб қараш имконини беради.

Левитес Е. “Опять стою на краешке земли”: Традиции эвенков и “Память Нерюнгри” //Библиотечное дело.-2007.-№ 10 (58).-С.25-26.

Яна юртнинг энг чеккасида турибман.

Мураккаб иқлим шароитларига қарамай, Нерюнгри энг ободонлашган шаҳар номини олиш учун беллашади ва совринли ўринларни қўлга киритади. 1998 йилда у дунёга машҳур курорт Пятигорск билан рақобатлашиб, ўз номинациясида “Шимол шароитида ободончиликдаги ютуқлари учун” махсус соврин билан тақдирланади. 1999 йилда 100 минг аҳолиси бор шаҳарлар гуруҳида III даражали диплом билан тақдирланган. Нерюнгри 3 марта Бутунроссия “олтин сўм” молиявий-иқтисодий ривожланиш танловида ғолиб бўлди. Бу Узоқшарқ федерал округидаги шундай натижага эришган ягона шаҳардир.

Португалия билан ҳудуд жихатидан тенг бўлган Нерюнгри 93 минг кв.км. майдонга эга. Шаҳарнинг пайдо бўлиши тарихи Жанубий Якутиянинг ўрганилиши ва ўзлаштирилиши, Жанубий Якутия ҳудудий-ишлаб чиқариш комплексининг ташкил топиши билан узвий боғлиқ. Нерюнгри шаҳрига 1973 йилда Нерюнгридаги 430 млн.тонна захираси бўлган кўмир конини очган геолог-олимлар асос солганлар.

Нерюнгри марказлашган кутубхона тизими 1980 йилда ташкил этилган. Ҳозирда у Нерюнгри туманининг ахборот ва маданий маркази ҳамда Марказий шаҳар кутубхонаси ва 10 кутубхона-шоҳобчани ўз ичига олади. Марказий кутубхона билан шоҳобча оралиғи – энг яқини 12 км., энг узоғи 420 км. Умумий универсал фонд 340 минг сақлаш бирлигидан иборат.

Ўлкашунослик иши ҳар доим Нерюнгри МКТнинг фаолият доирасида бўлган ва бўлади, чунки шаҳар тарихи, унинг ҳозирги

кунда ва келажаги нафақат унинг аҳолисини қизиқтиради, балки ҳозирда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида дам олаётган бошқа шахсларни ҳам қизиқтиради.

Аҳолининг жонажон ўлкаси тарихига доимий қизиқиши маҳаллий ўз-ўзини бошқариш шароитида бу ишнинг устунлиги НМКТ раҳбарияти Марказий шаҳар кутубхонасининг ўлкашунослик секторини кенгайтиришга ва унинг негизида ўлкашунослик адабиётлари бўлимини ташкил этишга ундади.

Бўлим ташкил этилиши билан ўлкашунослик ишлари кўп режали ва кўп функционал характер касб этади. Ўлкашунослик иши маҳаллий аҳоли учун маданий ва дам олиш марказларидан бири, туман кутубхоналари учун эса методик ва маслаҳат берувчи марказ бўлиб қолди.

Ўлкашунослик китоб фонди ядроси барча МКТ ҳужжатларидан ташкил топган. Ҳозирда бу фонд Республика Миллий кутубхонаси орқали тўлдирилади. Китоблар кам – 6 минг атрофида. Улар ичида кўпи дублет нусхалар ва эскирган адабиётлар. Фаол фонд жуда кам. Бироқ вақтли нашрлар ёрдам беради. Бўлим 35 номдаги газеталар ва журналларни олади. Ҳозирда бўлим компьютер жиҳозлари ва сканерга эга. Бўлим ходимлари нодир ўлкашунослик китобларини, Якутия жанубида яшовчи эвенлар анъаналари ва урф-одатлари ҳақидаги этнографик материалларни, нерюнгрилик шоирларнинг адабий-меросини сканерлаш йўли билан электрон маълумотлар базасини яратмоқдалар, шунингдек электрон ахборот фондиди ташкил этиб, тўлдириб бормоқдалар.

Йигирма ўлкашунослик йўналиши бўйича мавзули папкалар ташкил қилинмоқда. Анъанавий карточкали каталог билан бир қаторда вақтли нашрларга картотекаларнинг электрон версияси юритилмоқда.

Ўлкашунослик адабиётлари бўлими бошлиғи С.А.Черепанова ўлкашунослик фаолиятини ривожлантириш дастурларини ишлаган. Унинг бири “Нерюнгри хотираси”, бошқаси “Эвенлар тарихи ва маданияти оила тарихи билан” деб номланган. 2004 йилда у давлат ёшлар сиёсати соҳасидаги республика танловида “Шимол кичик халқларининг ўзига хос

миллий маданиятини сақлаш ва кўмак бериш” номинациясида III даражали грант олди.

Россия Шимоли халқлари маданиятида эвенларнинг ноёб маданияти алоҳида ўрин тутди. Республикада жами 77 миллат (элат)лар яшайди ва эвенлар энг кам сонли гуруҳлардан биридир. Эвенлар – уруғчилик муносабатлари устунлик қиладиган миллатдир.

С.А.Черепанова “Эвенлар тарихи маданияти оила тарихи билан” дастурининг ғоявий илҳомчиси ва ишлаб чиққан мутахассисдир. Унинг раҳбарлигидаги ходимлар томонидан эвенларнинг Ненгра қишлоғидаги Г.М.Васильевич номидаги мактаб-интернати базасида ёшларнинг ҳаваскор-генеологларнинг “Кэрген” (“Оила”) клуби ташкил этилган. Унга мактаб-интернат ўқувчилари – 25 нафар ўсмирлар ва қизлар кирган.

Ўлкашунослик адабиётлари бўлими ходимлари қисқа вақт ичида катта тадқиқот ишларини бажардилар.

2005 йилда “Эвенлар анъаналари ва урф-одатлари” дайжести нашр этилди. Дайжест устида 4 ой иш олиб борилди. Тузувчилар катта ҳажмдаги босма ҳужжатларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштирувчи мақола ёзишларига тўғри келди. Дайжест 3 бўлимдан иборат. Биринчи бўлим – “Эвен байрамлари”, иккинчи бўлим – “Бола туғилишидаги маросимлар”, 3-бўлим – “Тўй маросимлари”. Дайжестда яна эвенлар анъаналари, урф-одатлари ва байрамларига оид қимматли материал ҳам босилган.

Этнографлар Г.М.Васильева, А.И.Мазин, эвен ёзувчиси Галина Кэптукэнинг асарлари, қаҳрамонлик достонлари, анъаналар, тўй-маросимлари ва эвен фольклори ва эпослари дайжестга асос бўлган.

2005 йил майида Иенгра қишлоғида “Эвенлар тарихи ва маданияти оила тарихи билан” илмий-амалий конференцияси ўтказилди, унда Г.М.Васильевич номидаги мактаб-интернатига эвен халқи шажараси бўйича ажойиб безатилган 15 альбом тантанали топширилди. Конференцияда шу номдаги дастурнинг якуний тадбири бўлди.

Дастурда иштирок этиш учун Иенгра қишлоғининг 200 ёшлари, уларнинг оила аъзолари жалб қилинган. Маданият диалогида 1578 киши қатнашди. Туман аҳолиси ОАВ ва Интернет орқали Якутия жанубидаги эвенларнинг маданий анъаналари ҳақида кўпгина қизиқарли ахборотни олдилар.

Ўлкашунослик фаолияти кутубхоналар ишининг бош йўналишларидан биридир. Нерюнгри ери, якут ўлкаси тадқиқотларига нерюнгрилик кутубхоначилар жон-дилини берадилар. Манбалар билан ишлашда тажрибада, билим ва кўникмаларида ошган ватанпарварлик ва ташаббускорлик фаолияти муваффақиятининг таркибий қисмидир.

Рышанова У. Край хлебных нив: Историко-культурное наследие Костаная //Библиотечное дело.-2007.-№10 (58).- С.33.-35.

Ғалла экинзорлари ўлкаси.

Қозоғистон Республикаси Л.Н.Толстой номидаги Кустанай вилоят универсал илмий кутубхонаси кутубхоналарни ривожлантириш бўлимининг катта маслаҳатчиси Уркия Мухамедияровна Ришанова ўлкашуносликнинг тикланиши ва унинг сабаблари, уни сақлаб қолиш, унга бўлган қизиқишни қўллаш ва уни кондириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ёзади.

Йилдан йилга кутубхоналарнинг кўп қиррали фаолиятининг бир йўналиши сифатида ўлкашуносликка катта аҳамият берилмоқда. Қозоғистонда “кичик ватан” ҳақида илмий доиралар вакиллари, экологлар, иқтисодчилар, педагоглар, ижтимоий ҳаракатлар қатнашчилари ва бошқалар гапира бошладилар.

Халқда ўз тарихини билишга интилиш ҳар доим бор эди, аммо ҳозирда ўз ўлкаси тарихига, халқ анъаналарига, урф-одатлари ва байрамларига қизиқишининг ўта ошиши кузатилмоқда. Бу кутубхонадан ахборот тўлкини чўққисида бўлишни талаб қилади. Ўз қадриятларига шунчаки бефарқ

қолмасликгина эмас, балки уларни тўғри баҳолаш, сақлаш ва авлодларга қолдириш муҳимдир.

Л.Н.Толстой номидаги Кустанай вилоят универсал илмий кутубхонаси 2007 йилда кутубхоналар ўртасида “Қишлоқ энциклопедияси” вилоят танловини эълон қилди. Танловнинг мақсади кутубхоналарнинг жонажон ўлкани ўрганиш бўйича қидирув ишларини, маданий меросни сақлаш янги технология ва янгиликларни қўллаш бўйича ишларини фаоллаштириш, тадқиқот ишларининг янги шакл ва методларини аниқлаш ва такомиллаштириш эди.

Танлов кутубхонанинг ўлкашунослик ишида оралик босқичдир. У қишлоқ кутубхоналари ишини баҳолаш имконини беради. Кўпгина тажрибали кутубхоначиларда бош ўлкашунослик материали йиғилган. Кимдир шоҳидларнинг гувоҳликлари (айтганлари)ни, кексалар ҳикояларини, кимдир қишлоқ ва ҳамқишлоқлар ҳақида видеофильмларни изчиллик билан йиғади. Ҳар бир қишлоқда ўзининг тарихи ва маданиятини яхши биладиганлар, ўтмишни асровчилар бор. Бизнинг қишлоқ кутубхоначилари архивчилар, солномачиларга, қишлоқ кутубхонаси эса – қишлоқ “солномасини ёзиш” марказига айландилар.

Яқинда Кустанай шаҳар МКТда “Бекек Утетлеуовнинг боқий мероси” мавзусида кутубхоналар мутахассислари учун ўлкашунослик бўйича семинар ташкил этди.

Семинарда кутубхоначилик иши назариётчилари ва амалиётчилари, педагогик ҳаракат фахрийлари, жамоатчи-ўлкашунослар сўзга чиқдилар. Семинарни очган МКТ шоҳобчаси мудир Алла Куйшинова ҳамюртимиз, педагог, маърифатпарвар, шоир ва таржимон Бекет Утетлеуов ҳақида, унинг 1927 йилда Караобинск ўрта мактаб директори лавозимида ишлаганда халқ педагогикасига асос солгани, маҳаллий тилдаги мактабни ривожлантириш учун рус мумтоз адабиёти вакилларининг асарларини қозоқ тилига таржима қилгани ҳақида гапириб берди.

Шаҳар МКТ директори ўринбосари Г.Боймуханбетова Миллий маданиятни ривожлантиришда кутубхона

Ўлкашунослигининг аҳамияти ҳақида гапирди. У мутахассисларга машҳур ҳамюртлар – Алтинсарин, Валиханов, Маймен, Кубеев, Сераминларнинг фаолияти билан боғлиқ музейлар ва хотира жойлари катта имконият беришига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоят тарихий ўлкашунослик музейи ходими Н.Оташева унинг ўғли Тулензи музей фондига берган Бекет Утетлеуов ҳақидаги фотоҳужжатлар ва материалларни тақдим этди. Йиғилганлар Утетлеуовнинг ўз қўли билан ёзилган қирғиз тили дарслигини, шунингдек у тузган қозоқча-арабча-русча луғатини алоҳида қизиқиш билан кўриб чиқдилар.

“Ўлкашуносликка қизиқиш ошгани қонуний, миллий ўзликни англашнинг ўсиши, Қозоғистоннинг миллий суверенитетини қўлга киритиш”, атроф муҳитни бутун ранг-баранглигида ўрганишни талаб қилади. Ёшлар дунёқарашини шакллантира бориб, кутубхона ходимлари мамлакатимиз тарихини тиклашга ҳаракат қиламиз, дейди МКТ раҳбари К.Колтаева. Ҳар бир шахс ўз илдизини, ўзининг мамлакатада нима бўлган ва бўлаётганини билиши, ўз аجدодларидан фахрланиш туйғусини ҳис қилиши лозим”.

Кутубхона ходимлари ватанпарварлик тарбиясини ўзларининг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар. Кутубхоналарда Қозоғистон Республикаси қунига “Ўлкамдан гўзалроғи йўқ”, “Тарихни билиш – ўтмишни кадрлашдир”, “Жонажон қўриқ ер”, “Кустанай вилояти тарихи” мавзуларида китоб кўргазмалари ва мавзули токчалар ташкил этилди. “Қозоғистон жонажон ўлкам менинг” ўйин-саёҳат, “Бу ер бизни яқинлаштирди” адабий соат, “Ўлкам менинг – фаҳрим менинг” фестивали ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилди. Вилоят давлат ўсмирлар кутубхонасида “Ватаннинг чеки, чегараси йўқ. Аммо сенинг уйинг – уйнинг бошланиши” адабий-музикавий композицияси “Оталар анъанаси – болалар мероси” маърифий-кўнгиладар очар дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Кустанай вилоятининг 70 йиллик байрами муносабати билан кутубхоналар шу воқеа бўйича адабиётларни тарғиб қилишга диққатни қаратдилар. Барча туманларда Кустанай вилоятининг

70 йиллигига аталган тадбирлар ва карнавал тадбирлари бўлиб ўтди.

“Тарих карвони” театрлаштирилган дастурини тайёрлашда “Бу ўлкага бир умрлик ошуфтаман” китоб кўрғазмаси катта қизиқиш уйғотди.

Турли туманларда катта тадбирлар бўлиб ўтди. Денисов туманида “Жонажон юрт – буюк мураббий” китоб-расми кўрғазмаси; Аркалик шахрининг 50 йиллигига №2 ВУИК ходимлари “Ёшлик ва дўстлик шахри” ва “Дон майдонлари, табиий бойликлар ўлкаси” номли китоб кўрғазмаларини ташкил қилдилар.

Вилоят болалар-ўсмирлар кутубхонаси ёш китобхон болаларни шаҳар бўйлаб саёҳатга таклиф қилиб, уларга Кустанай шаҳри тарихи, унинг фуқаролар ва Улуғ Ватан уруши ёдгорликлари, кўрик ерларни ўзлаштиришга, ўлканинг шухратини ёйган ёзувчи ва шоирларга бағишланган ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

2007 йилда қозоқ алитфбоси муаллифи, биринчи хрестоматияси, рус-қозоқ мактаблари асосчиси Ибрай Алтинсарин таваллудига 165 йил тўлди. У ҳамиша кустанайликлар ёдида бўлади. Бу санага бағишланган “Ибрайнинг мусаффо булоғи” тадбирлар цикли ташкил қилинди.

“Маданий мерос” давлат дастури илмий билимларни оммалаштиришга хизмат қилади ва тарихий-маданий меросни тақдим этади. Унинг доирасида вилоят кутубхоналарида машҳур ҳамюртлар юбилейига бағишланган китоб кўрғазмалари, мавзули досъелар, адабий кечалар ва ҳ.к.лар ташкил қилинди.

Жангельди МТКда ўтказилган “Тўрғайда туғилган истеъдодлар” китоб кўрғазмаси ҳамюрт шоирлар С.Торумбеков, К.Мирзабеков, Ш.Мухамеджановларнинг юбилейларига бағишланди.

Бу ўтказилган тадбирларнинг барчаси ўз шахри, вилояти тарихи ва маданиятига даҳлдорлигини сезишга, ҳар бир

китобхонга ўз тарихи, ўз ҳамқишлоқлари учун фахр туйғусини ҳис қилишга ёрдам берди.

**“Кутубхоналар ва ахборот ресурслари ҳозирги жаҳон
фани, маданияти, таълим ва бизнесда” 14-халқаро
конференцияси ҳақида ахборот**

Украинанинг Қрим Автоном Республикаси Судак шаҳрида 2007 йил 9-17 июнь кунлари бўлиб ўтган Халқаро конференция ишида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари И.З.Маминова қатнашди.

Ушбу анъанавий конференциянинг бу йилги мавзуси “Билимга асосланган жамият сари боришда электрон ахборот ва электрон кутубхоналарнинг роли” деб номланган. ИФЛАнинг 2007 йил тадбирлари доирасида ўтган ушбу конференцияда жаҳоннинг 35 давлатидан 1500 дан ортиқ иштирокчи қатнашган.

Конференция ўз ишини 15 шўъбада, 6 махсус тадбирлар (кутубхоналар куни, нашриёт компаниялари ва уйлари куни), 10 семинар, 7 давра суҳбатлари, 4 ҳар йиллик конференциялари, 6 махсус тақдимотлар, ундан ташқари кўргазмаларда 15 тақдимномалар ўтказиш билан олиб борди. Конференциянинг маданий дастурлари, саёҳатлари ва жойлардаги тадбирлари кенг ва ранг-баранг бўлди.

Конференциянинг “Билимга асосланган жамият сари боришда электрон ахборот ва электрон кутубхоналарнинг роли” мавзуси ҳозирги босқичда кутубхона-ахборот инфратузилмаси ривожланишининг муҳим жиҳатларини очиқ берди ва бу барча шўъбалар, семинарлар, давра суҳбатлари ишларида кўзга яққол ташланди. Улар ишида, ахборот асрида ахборот-кутубхоначилик ҳамжамияти олдида турган ахборот, электрон ресурслар, муаллифлик ҳуқуқи, маънавий мулкнинг очиқ архивини яратиш, ахборот-коммуникатив технологиялар тенденциялари ва натижалари, янги таълимий вазифалар кўрилди.

“Жаҳон ахборот инфратузилмаси, миллий кутубхоналар ва миллий ахборот ресурслари, халқаро ҳамкорлик лойиҳалари”

шўъбасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Умаровнинг “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республиканинг янги ахборот-кутубхоначилик тизимида” мавзусидаги маърузаси тақдим қилинди. 2007 йилда икки сессия: “Электрон ресурслар ва электрон нашрлар: яратиш ва фойдаланиш” ва “Электрон кутубхоналар: концепциялар ва лойиҳалар” сессияларини ўзида бирлаштирган “Электрон кутубхоналар” шўъбасида электрон ресурсларга кириш, кутубхоналарнинг ўз электрон ресурслари ва электрон кутубхоналарини яратиш бўйича тажрибалари масалалари кўрилди.

Конференцияда биринчи марта “Ҳозирги кутубхоначилик сиёсати: турли давлатлар тажрибаси” махсус давра суҳбати ташкил этилди. Миллий кутубхоналар директорлари, вазирликлар ва маданият бошқармаларининг етакчи мутахассислари, ассоциациялар вакиллари мунозаралар иштирокчилари бўлдилар. Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон ахборот-кутубхона тизимидаги ислохотлар билан таништирилди.

“Автоматлаштирилган ва корпоратив кутубхона тизимлари ва технологиялар”, “Кутубхона-ахборот тизимларининг ахборот-лингвистик таъминоти” шўъбаларида йиғма каталоглар ташкил қилиш, корпоратив каталоглаштириш, электрон кутубхоналар, коллекциялар тузиш бўйича мазмунли маърузалар қилинди.

“Ахборот обзори ва кутубхоналар фондининг шаклланиши” шўъбаси ва “Кутубхона фондлари ва ахборотларнинг бутлиги ва сақлаш” мавзусидаги махсус семинар фондларни ташкил этиш ва кутубхоналар ҳамда нашриётлар ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.

Конференция доирасида анъанага кўра “Белоруссия кутубхоналари куни”, “Москва кутубхоналари куни”, “Қрим кутубхоналари куни”, “Украина кутубхоналари куни” халқаро тадбирлари катта муваффақият билан ва қизиқарли ўтди.

Конференция доирасида анъанавий “Турк тилли давлатлар ва минтақалар кутубхоналари ва музейлари: шериклик ва

ҳамкорлик имкониятлари” юбилей семинари Феодосия шаҳридаги А.Грин номли Марказий шаҳар кутубхонасида ўтказилиб, унда қрим адабиётшунос олимлари, ёзувчи ва шоирлари иштирокида “Турк шеърляти куни” давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу семинар ва давра суҳбатини Қозоғистон Миллий академик кутубхонаси бош директори Р.А.Бердигалиева, Қрим-татар Республика кутубхонаси директори А.Р.Эмиров билан биргаликда И.З.Маминова олиб бордилар. Семинар ишида иштирок этган Ўзбекистон, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Украина, АҚШ, Латвия, Молдова вакиллари тадбирнинг ахборотлашганлиги ва фойдалилигини эътироф этиб, яна бир бор турк тилли давлатлар кутубхоналарининг ҳамкорлиги ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш зарурлигини тасдиқладилар.

Шўъбалар, семинарларда, тақдимотларда иштирок этишдан ташқари И.З.Маминова Россия давлат кутубхонаси РДК диссертацияларнинг электрон кутубхонасидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича вакиллари, КОНЭК компанияси раҳбарияти, ПроСофт компанияси, ЭЛАР-электрон архив вакиллари, “alee SOF-TWPE электрон архивлар, ҳужжатларни сканерлаш” корпорацияси ва мебеллар ва стеллаж жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар компанияси вакиллари билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ЭМБ виртуал ўқув зали очилишига шартномани расмийлаштириш бўйича маслаҳатлар ўтказди.

Халқаро конференцияда қатнашиш кутубхона-ахборот ва таълим технологияларининг ривожланиш доирасида жаҳон кутубхоналари иш тажрибаси билан танишиш, кутубхоналар учун янги таълимий ахборот ресурслари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, электрон маълумотлар базаси, миллий ва олий таълим муассасалари кутубхоналари вакиллари билан янги алоқалар ўрнатиш, миллий электрон ресурслар яратиш бўйича мавжуд тажрибалар билан танишиш, республика электрон ресурсларини яратишда хусусий ишланмаларни тақдим этиш имконини берди.

**2007 йил 13-15 ноябрда Қозоғистон Республикаси
Шимкент шаҳрида бўлиб ўтган “Қозоғистоннинг 2007 йилги
кутубхоначилик пойтахти” доирасидаги “Китоб ва Буюк
ипак йўли” Халқаро конференцияси тўғрисида ахборот**

2007 йил 13-15 ноябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Шимкент шаҳрида бўлиб ўтган “Қозоғистоннинг 2007 йилги кутубхоначилик пойтахти” тадбири доирасида ўтган “Китоб ва Буюк ипак йўли” Халқаро конференциясида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари И.З.Маминова иштирок этди.

Конференция Маданият ва ахборот вазирлиги, маориф вазирлиги, жанубий Қозоғистон вилояти маданият бошқармаси ва Ақимлиги, Қозоғистон халқлари Ассамблеяси ижтимоий консорциуми, Кутубхоначилар ассоциацияси ва Қозоғистон Республикаси Жанубий Қозоғистон университети томонидан ташкил этилди.

Конференцияда И.З.Маминова “Ўзбекистоннинг хужжатли маданий мероси: Буюк ипак йўли анъаналарининг давом эттирилиши” мавзусида маъруза қилди. 14 ноябрь Жанубий Қозоғистон вилояти Оқини Н.Ашимов билан учрашувда; шу кунни яна М.Авезовнинг “Абай йўли” китоби ва профессор Н.А.Анастасьевнинг “Трагедия Триумфатора” китобининг М.Авезов фондининг президенти, М.В.Ломоносов номидаги МДУ профессори Н.А.Анастасьев олиб борган рус тилига янги таржимаси тақдимотида иштирок этди.

15 ноябрь кунини И.З.Маминова “Миллий кутубхоначилик модели мамлакат кутубхоначилик тармоғини боғловчи ахборот бўғини сифатида” давра суҳбати ишида; маданият бўлими мудирлари, вилоят кутубхоналари директорлари ва етакчи мутахассислари, миллий ва университет кутубхоналари директорлари ва мутахассислари иштирок этган ҳозирги даврда кутубхоналарни стратегик режалаштириш ва халқаро стандартларни Қозоғистон кутубхоналарида қўллаш масалаларини муҳокама қилиш бўйича “Қозоғистон Республикаси Президентининг “Янги Қозоғистон янги дунёда”

номли мактубида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш йўлида” мавзудаги мунозарада; М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетида бўлиб ўтган М.Авезовнинг 100 йиллигига бағишланган “М.О.Авезов ва жаҳон цивилизацияси” илмий-амалий конференциясида иштирок этди.

Сафар давомида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Алматидаги Қозоғистон Республикаси Миллий кутубхонаси ва Астанадаги Қозоғистон Республикаси Миллий Академик кутубхонаси билан ахборот технологиялари, китоб алмашлаш, икки давлат кутубхоналарида сақланадиган миллий тарихий меросга электрон маълумотлар базасини яратиш борасида ҳамкорлик ва кооперацияни такомиллаштириш, кутубхоначилик иши тарихи ва библиография, ихтисослик адабиётларини алмашиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинди ва келгуси ҳамкорлик истикболлари белгилаб олинди.

2007 йил 27-28 ноябрда Москвада бўлиб ўтган “Рус тили – диалог ва маданиятларни ўзаро бойитиш калити. Кутубхоналарнинг ўқишни ва ижтимоий алоқани ривожлантиришдаги вазифалари” конгресси, 29 ноябрда бўлиб ўтган Евразия кутубхоначилик ассамблеяси (ЕКА)нинг 9 Умумий нотижорат шериклик йиғилиши, МДХ ХКА шўъбасининг 76 йиғилиши ва Белоруссиянинг Минск шаҳрида 2007 йил 3-7 декабрь кунлари бўлиб ўтган “Шарқ-Ғарб ахборот коммуникация технологиялари асрида” Халқаро конференцияси ҳақида

АХБОРОТ

Россия давлат кутубхонаси (РДК), “Евразия кутубхоначилик ассамблеяси” (ЕКА) таклифига кўра 2007 йил 27-28 ноябрда И.З.Мамина “Рус тили – диалог ва маданиятларни ўзаро бойитиш калити. Кутубхоналарнинг ўқишни ва ижтимоий алоқани ривожлантиришдаги вазифалари” конгрессида иштирок

этди. Конгресс РФ Президенти хузуридаги Россия давлат хизмати академияси худудида бўлиб ўтди. Конгресс дастурида ялпи мажлис, “Рус тили маданиятлараро алоқа тизимида”, “Кутубхоналараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий томонлари ва маънавий меросни асраш” давра суҳбати йиғилишлари, ЮНЕСКОнинг “Ҳамма учун ахборот” глобал ахборот жамиятининг даъватидан таъсирланиш сифатида” дастури кўзда тутилган эди. Конгресснинг ялпи мажлиси ишида машҳур сиёсий ва жамоат арбоблари, маданият ходимлари, олимлар ва ёзувчилар иштирок этдилар. Ялпи мажлисда Россияда, шунингдек ҳозирги давр маданий сиёсатида долзарб вазифалардан бўлган узоқ ва яқин хорижда рус тили ахборот ва кутубхона маконини асраш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Кутубхоналарнинг рус тилини ўрганиш ва тарқатишда кутубхоналарнинг роли ва вазифалари ҳамда ушбу йўналишда лойиҳа фаолиятини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди.

Шу куни И.З.Маминова кутубхоналарнинг ахборот майдонини яратишда ва МДХ давлатларида фойдаланувчиларнинг ахборот ва билимга қира олиш (фойдалана олиш)ини таъминлаш фаолиятини қонуний тартибга солиш масалалари муҳокама қилинган “Кутубхоналараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва маънавий меросни муҳофаза қилиш” мунозарали давра суҳбати ишида иштирок этди.

29 ноябрда Россия давлат кутубхонаси (РДК)да Миллий кутубхоналар Евразия кутубхоначилиқ Ассамблеяси (ЕКА) (МДХ давлатлари миллий кутубхоналари ва РФнинг йирик кутубхоналари) аъзоларининг Тўққизинчи умумий мажлиси бўлиб, унда “Рус тили – диалог ва маданиятлар ўзаро бойитиш калити. Кутубхоналарнинг ўқишни ва ижтимоий алоқани ривожлантиришдаги вазифалари” Конгресси яқунланди, ЕКАнинг лойиҳа фаолиятини ривожлантириш масалалари, Информкультура, МДХ миллий кутубхоналар нашрлари, ҳамдўстлик давлатлари электрон кутубхоналарини яратиш

бўйича лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

3-7 декабрда И.З.Маминова КАА ва “Шарқ-Ғарб ахборот-алоқа технологияси асрида” ҳужжатларни етказиб бериш бўйича Халқаро конференциясида ва МДХ КАА шўъбасининг 7-йиғилишида иштирок этди. Конференция Минск шаҳрида Белорусия Миллий кутубхонасининг янги биносидан ўтди. Конференцияда 7 давлатдан 70 делегат қатнашди. Конференцияда ахборотдан эркин фойдаланишни, КАА ва ҳужжатларни етказиб бериш бўйича янги технологиялардан фойдаланишни таъминлаш учун кутубхона ресурсларидан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш масалалари кўрилди.

5 декабрда МДХ давлатлари КАА шўъбасининг 7-йиғилиши бўлиб ўтди, унда 6 давлатдан мухтор вакиллар иштирок этдилар. МДХ давлатлари КАА қатнашчилари, КАА тизимида кутубхона жўнатмалари учун имтиёзли почта тарифлари тўғрисида битим лойиҳасининг охириги варианты, МДХ давлатлари КАА тизимида кирувчи кутубхоналар ва ахборот органлари ўртасида КАА ва ҳужжатларни етказиб бериш бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар тизими ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

6 декабрда РДК ва нотижорат шериклик томонидан ташкил этилган “Кутубхоналар иши амалиётида муаллифлар ва ахборот истеъмолчилари ҳуқуқларини таъминлаш” давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ташкилоти давлатлари
Миллий кутубхоналари директорларининг Биринчи
кенгаши тўғрисида**

А Х Б О Р О Т

Эрон Миллий кутубхонаси ва Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ташкилотининг маданият институти таклифига кўра 2007 йил 19-20 ноябрь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кутубхоначилиқ иши бўйича

директор ўринбосари А.Р.Ҳақимов Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ташкилоти давлатлари Миллий кутубхоналари директорларининг биринчи Кенгашида қатнашди. Кенгаш Эрон Миллий кутубхонаси биносида бўлиб ўтди.

Эрон Республикаси Миллий кутубхонаси – меъморчилик илмини ривожлантириш соҳасида юқори технологиялар, ёдгорлик, фан, маданият, санъатни сақловчидир. 62000 кв.м майдон 7 млн. жилдга мўлжалланган, ҳозирда кутубхона фонди 1 млн. 15 минг нусха араб, форс, инглиз, рус ва бошқа тиллардаги ҳужжатлардан иборат, кутубхона фондида 50000 қўлёзма мавжуд, улардан 21000 рақамлаштирилган.

Кенгаш дастуридан кўмита раисини сайлаш, делегация бошлиқларининг чиқишлари, Миллий кутубхоналарнинг илмий, техник ва маданий томондан кенгаш қатнашчилари давлатлар ўртасида ҳамкорлик таклифларини кўриб чиқиш; кутубхоналар ва архивлар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, шунингдек кутубхоналар ва архив ишлари бўйича ҳар йилги кўргазмани ўтказиш масалалари ўрин олган.

Кенгашга Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Покистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон давлатлари Миллий кутубхоналарининг директорлари таклиф этилган. Кенгашда яна Қирғизистон, Эрон ва Туркия архивларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш музокараларида А.Р.Ҳақимов сўзлаб, мамлакатимиз раҳбарининг кутубхоначилик ишини, мамлакат миллий кутубхонасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишдаги муҳим роли, 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори тўғрисида тўхталди.

Мамлакатимиз Президенти 2007 йил 6 февралда Эрон Ислом Республикаси билан ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида фармойишни имзолади, у бу давлат билан келгусида янада яқинлик ва ҳамкорлик қилишга ёрдам беради.

Нодир нашрларни сақлаш бўйича, ҳамкорлик йўллари, шунингдек кадрлар малакасини ошириш бўйича қатор тадбирлар белгилаб олинди.

Кенгашда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ташкилоти давлатлари Миллий кутубхоналари директорларининг II кенгашини Туркияда ўтказиш тўғрисида таклифи қабул қилинди.

Кенгаш дастури доирасида Эроннинг қатор маданий муассасаларига бориш имкони берилди. Кума шаҳрида кенгаш қатнашчилари Маршафи номидаги хусусий кутубхона фаолияти билан танишдилар. Бу кутубхонада 35000 номдаги қўлёзмалар 70 000 нусха барча соҳаларга оид китоблар бор: улардан 65% диний, 35% физика, тарих, архитектура, юридик фанлар бўйича.

Бу кутубхона қўлёзмалар сони ва уларнинг қиммати бўйича дунёда 3 ўринда туради.

Шу ерда китоблар ва қўлёзмаларни таъмирлаш ва уларнинг бутлиги методикаси билан танишдилар.

ТАТЪЯНА СЕМЕНОВНА ЕГОРОВА ХОТИРАСИГА
(1948-2007)

2007 йил 20 декабрда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Илмий-методика бўлими мудир Татъяна Семеновна Егорова ҳаётдан бевақт кетди.

Ўзбекистон кутубхоначилиқ ҳамжамияти кутубхоначилиқ ишининг энг обрўли мутахассиси, иқтидорли ташкилотчи-методист, мулоҳазали амалиётчи устоз ва мураббийдан айрилди.

Т.С.Егорова ўттиз йилдан ортиқ Ўзбекистон кутубхоначилиқ ишида етакчи шахс, кўпгина республика ва халқаро даражадаги конференциялар, илмий-амалий семинарлар, тренинглр ташкилотчиси эди.

У йигирма йилга яқин Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Илмий-методика бўлимини бошқариб, ишни юқори малакали даражада ташкил этди. Унинг бевосита раҳбарлигида Республика, вилоятлар ва туманларда амалий семинарлар, илғор тажриба мактаблари ташкил этилди. Татъяна Семеновнанинг шахсан ўзи Ўзбекистоннинг узоқ минтақаларига методик ёрдам кўрсатиш учун борган.

Доимо кутубхоначилар муаммоларини тушуниб, уларга хайрихоҳ бўлган.

Т.С.Егорова биринчилардан бўлиб, ўз фаолиятида инновацион йўллрни кўллаб, ахборот-кутубхоначилиқ муассасалари ижтимоий функцияларини ўрганди ва муҳимлигини кўрсатди, кутубхоначиларни ўз вазифасини ҳимоя қилишга ўргатди ва бунга ёрдам берди.

Унинг иштироки билан Ўзбекистон кутубхоналари фаолиятини яхшилашга ёрдам берадиган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди ва ишлаб чиқилди.

Татъяна Семеновнани республикамизнинг энг узоқ жойларида ва шунингдек Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам яхши билар ва ҳурмат қилар эдилар.

Татьяна Семеновнанинг жиддий шахс, иқтидорли методист ва мутахассис сифатида порлоқ хотираси унинг яқинлари, қадрдонлари, ҳамкасблари қалбида абадий қолади.

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
жамоаси*

Босишга рухсат этилди 2008 йил 10 апрель
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2,5 Адади 300 нусха.
Буюртма № 32

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди